

# Нидо



1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2016-yil 1-dekabr, №48 (1037)

Ифтихор

## Барқарор тинчлигимиз ва порлоқ келажагимиз кафолати

**Бош Қонунимиз давлатимизнинг инсонпарварлик сиёсати, тараққиётимизнинг стратегик йўналиши, фуқаролар эркинлиги ва маънавий қадриятларимиз асосидир.**

Истиқлолга эришганимиздан сўн мамлакатимиз ҳаётининг сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий, маданий жабҳаларида, давлат қурилишида муҳим демократик ўзгаришлар юз берди. Яъни юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамияти қуриш жараёни бошланди. Ушбу оламшумул ислохотларнинг тамал тоши 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямизда ўз ҳуқуқий ифодасини топган эди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун мустақил ўзбек халқининг озодлиги, эркинлиги ҳуқуқий кафолатланган кун бўлиши билан бирга, демократик ҳуқуқий жамият қуриш йўлидаги илк қадам ташланган тарихий воқеа сифатида ҳам катта байрам қилинади.

Бу йўлда Ўзбекистон халқи қайси сиёсий, ҳуқуқий негиз ва тамойилларга таянишини аниқ-равшан белгилаб олган бўлиб, бу негиз ва тамойилларни жаҳоннинг маърифий ривожланган мамлакатлари эътироф этган инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети гоёлари ҳамда тамойилларига содиқлик, ҳозирги ва келажак авлод олди-



даги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг бой тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва ижтимоий адолат тамойилларига садоқат, халқаро ҳуқуқнинг бутун жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг фаровон ҳаёт кегиришларини таъминлаш, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатлигини кафолатлаш кабиларга таснифлаш мумкин.

Конституциямизда халқимизнинг иродаси акс эттирилган бўлиб, ҳуқуқ ва манфаатларимизнинг қонун билан

ҳимояланиши кафолатлаб берилган. Шуни таъкидлаш жоизки, Бош Қонунимиз ўзида одилона демократик тамойилларни акс эттирди ва мустақиллик гоёларини ҳуқуқий кафолатлади.

Асосий Қонунда мамлакатимизда жамият ва давлат қурилишининг тамойиллари аниқ ифодалаб берилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши муҳим тамойил сифатида белгиланди. Энг аҳамиятлиси — инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан, умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ

нормаларининг миллий ҳуқуқий меъёрлардан устунлиги, барча мулк шаклларида тенг ҳуқуқлилиги шароитида хусусий мулкнинг бошқа мулк шаклларида устувор эканлиги конституциявий асосда мустақамлаб қўйилди. Мухтасар қилиб айтганда, Конституция мустақил Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат тузилиши, энг аввало, қонунчилик тизимини шакллантиришнинг мустақам пойдевори бўлди.

8 декабрь куни Асосий Қонунимиз қабул қилинганга 24 йил тўлади. Ўтган даврни миллий қонунчилик тизими ташкил топган, шаклланган, қонун ижодкорлиги кўникмаси, тажрибаси вуждга келган давр, деб бемалол айтишимиз мумкин.

Қонун устувор бўлган жамиятимиз тараққиётига хизмат қилувчи миллий қонунчилигимизнинг шаклланиши ҳам конституциявий тамойиллар асосида рўёбга чиқди. Қонун ижодкорлиги борасида тўпланган тажрибалар, ҳаётга татбиқ этилаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти Конституциямизнинг халқчилиги ва ҳаққонийлигини намоён этиб, мамлакатимиз тараққиётида муҳим асос бўлмоқда.

Бугунги кунда Конституциямиз истиқлолнинг буюк тимсоли сифатида халқимизнинг мўътабар ижтимоий-ҳуқуқий қадриятига айланди. Бу масаланинг ўта муҳим жиҳати шундаки, Конституциянинг барча қоидалари ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга йўналтирилган.

/Давоми 4-бетда/

Эътироф

## Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг мустақам асоси

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси муқаддас ҳуқуқий ҳужжат сифатида келажаги буюк Ўзбекистоннинг инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг пойдевори бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Конституция жамиятда амалда бўлган барча қонунларни бир мақсад, бир гоё, бир тартибда бўйсундирадиган ягона умумдавлат миқёсидаги асосий қонундир. У амалдаги қонунчиликнинг ҳуқуқий базаси ҳисобланади.

Конституцияда мустақамланган нормалар Ўзбекистон давлати конституциявий тузумининг асосларини, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари, фуқаролик жамиятининг таркибий қисмларини,

Ўзбекистон Республикаси давлат тузилишини, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимини белгилаб берган.

Йигирма тўрт йил тарихан жуда қисқа муддат ҳисобланса-да, давлатимиз илк Конституциясининг инсонпарварлик ва демократик моҳияти ҳаёт синовидан ўтган ҳамда қоидаларнинг аниқ ва мукамаллиги, ўзига ҳослиги билан дунёдаги энг мақбул тузилишга эга конституциялар-

дан бири сифатида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳужжатлари, айниқса, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, халқаро ҳуқуқ қоидалари ва жаҳон ҳамжамиятининг энг замонавий демократик давлатлар қонунчилигига ҳос тарзда шакллантирилди.

Асосий Қонунимизнинг том маънодаги мукамал ҳужжат

**Хидир КАРИМОВ,**  
Бош прокуратура ички хавфсизликни таъминлаш инспекцияси бошлиғи

эканлигини намоён этувчи жиҳатлари жуда кўп. Конституциямизнинг мукамаллигини таъминлаш мақсадида у бир неча бор умумхалқ муҳокамага қўйилди ва унинг ҳар бир банди халқимиз фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилди.

/Давоми 5-бетда/

**Ҳурматли юртдошлар!**

2017 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта алоқа бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

Обуна  
2017

Вашр  
индекси  
231

Мустақиллик йилларида тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида муҳим қонун ва қарорлар қабул қилинди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тамойиллари, шунингдек, уларга бериладиган имтиёз ва энгилликлар тизими аниқ белгилаб қўйилди. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тартиби тубдан янгиланди ва соддалаштирилди.

## Янги босқич

Комил АЛИХОДЖАЕВ,  
Фаргона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тусиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони соҳа ривожига муҳим ўрин тутган бўлса, жорий йилнинг 5 октябридаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органлари муҳим ўрин тутди. Ушбу назорат тизими мамлакатда тадбиркорлик соҳасидаги қонунчиликнинг самарали амал қилишини таъминлайди, шу йўсинда тадбиркорликка оид ижтимоий муносабатларнинг изчил ва мустақил ривожланиши учун муносиб шарт-шароит яратди.

Вилоят прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ўз вақтида ва тезкорлик билан ҳимоя қилиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, "Каримжон Эргашев" фермер ҳўжалиги раҳбари Х.Каримовнинг "Кўкдон дон маҳсулотлари" АЖга 2016 йилда топширган бошоқли дон маҳсулотлари учун пул маблағлари тўлаб берилаётганлиги хусусида вилоят прокуратурасининг "Ишонч телефони"га қилган мурожаатини ўрганиш давомида фермер ҳўжалиги томонидан топширилган бошоқли дон маҳсулотлари учун ҳисобланган 23 млн. сўмдан ортиқ пул маблағлари "Кўкдон дон маҳсулотлари" АЖ томонидан тўлиқ тўлаб берилиши таъминланди.

Шунингдек, "Обод чинор кўрки" фермер ҳўжалиги раҳбари Д.Тўхташов "Кўкдон нефт базаси" УК томонидан нефт маҳсулотлари етказиб берилиши бўйича шартнома тузилишида амалий ёрдам беришни сураб мурожаат қилди. Унинг мурожаати ўрганилгач, "Кўкдон нефт базаси" УК ва "Обод чинор кўрки" фермер ҳўжалиги ўртасида шартнома тузилиши таъминланди.

Вилоят прокуратураси томонидан тадбиркорлик субъектларининг аризалари ҳамда қисқа рақамли "Ишонч телефони"га йўллаган мурожаатлари бўйича ўтказилган текширишлар натижаларига кўра прокурор назорати ҳужжатлари қўлланмоқда. Хусусан, "Мадррахимов Равшан" деҳқон ҳўжалиги 2015 йилда деҳқон ҳўжалиги ва "Қува дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти ўртасида тузилган шартномага асосан етказиб берилган 14 млн. сўмликдан ортиқ қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг ҳақи "Қува дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти томонидан тўланмагани аниқланди. Вилоят прокуратураси томонидан "Мадррахимов Равшан" деҳқон ҳўжалиги фойдасига "Қува дон маҳсулотлари" акциядорлик жамияти ҳисобидан ушбу маблағларни ундириш бўйича вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва вилоят прокуратураси органлари томонидан кўрсатилаётган ёрдам ўз самарасини бермоқда.

## Тадбиркор қизлар сафи кенгаймоқда

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, ташаббус ва инициативаларини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларидаги ютуқларини рағбатлантириш, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш учун кенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2015-2016 ўқув йилида Самарқанд вилоятидаги касб-хунар коллежларини 112 та мутахассислик бўйича 55 минг нафар ёшлар битирган бўлса, шундан 27 минг 463 нафари қизлардир. Уларнинг 2 минг 730 нафари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истagini билдирган.

Албатта, ижобий натижаларга ўзидан эришилгани йўқ, Тадбиркорлик фаолиятини юритиш истагини билдирган битирувчиларнинг иш юритишини ташкил этишда, бизнес режалар тузишда, белгиланган тартибда давлат идораларидан рўйхатдан ўтишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида тижорат банклари раҳбарлари таълим муассасаларига бириктирилди. Ҳар бир коллежда "Ёш тадбиркорлар бурчаги" ташкил этилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят прокуратураси органлари вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия билан ҳамкорликда коллеж ўқувчилари билан 500 дан зиёд ўқувчилар ўтказди. Натижада 149 нафар битирувчи 13 млрд. 22 млн. сўм кредитлар аж-

ратилишида амалий ёрдам берилди. Улардан 465 нафари қизлар бўлиб, ҳозирда улар тадбиркорлик фаолиятини бошлашди.

Тижорат банклари ходимлари иш жойлари бўлмаган, иш топиб беришда қийналадиган ҳудудларга бориб, паррандачилик, чорвачилик ва бошқа йўналишларда иш олиб боришга кўмак беришди. Қизларга эса имтиёзли кредитлар берилиб, тикув машиналари, сартарошхона жиҳози, компьютер техникаси ва бошқа маиший жиҳозлар олиб берилиб, уй шароитида ҳам меҳнат стажи юритиши таъминланди.

Жумладан, яқинда Самарқанд банк коллежида касб-хунар коллежлари битирувчиларини, аввало, қизларни ишга жойлаштириш, ўз бизнесини йўлга қўйиш иштиёқидаги ёшларга имтиёзли кредитлар, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узок муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратиш, тадбиркорлик фаолиятида келиб чиқадиган муаммоларни ҳал этиш юзасидан тақлифлар тайёрлаш мақсади-

Дилмурод САИДУЛОВ,  
Самарқанд вилоят  
прокурорининг ёрдамчиси

да ўқураш ўтказилди. Унда Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда банк ходимлари иштирок этишди. Коллеж ўқувчиларига тадбиркорликка оид кўникмаларни шакллантириш ҳамда уларга амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари юзасидан батафсил тушунтиришлар берилди.

Коллеж ўқувчиларидан М.Абдуллаева пайнет хизмати кўрсатиш учун 5 млн. сўм, М.Шермухамедова боғдорчилик учун 13 млн. сўм имтиёзли кредит олиб, ўз тадбиркорликларини бошлашди. Шунингдек, Самарқанд молия ва иқтисодий коллежининг битирувчиси С.Шарофбоевага қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 39 млн. сўм кредит ажратилди. Бунинг самарасида 4 та иш ўрни яратилди.

Қисқаса, оилавий бизнесни йўлга қўйиш, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳаётимиз гултожи бўлган опа-сингилларимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштироки, ўрни ва мавқеини янада оширишга хизмат қилмоқда.

## Евроосиё гуруҳининг ялпи мажлиси

Бош прокуратура ҳузурдаги СВОЖЖДҚК департаменти бошлиғи раҳбарлигида Молия вазирлиги, Марказий банк ва департамент ходимларидан иборат Ўзбекистон Республикаси делегацияси Хиндистоннинг Нью-Дели шаҳрида ўтказилган Евроосиё гуруҳининг навбатдаги ялпи мажлисида иштирок этди.

Саидборон ГУЛЯМОВ,  
Бош прокуратура ҳузурдаги СВОЖЖДҚК  
департаменти бўлим бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи

Тадбирда Евроосиё гуруҳига аъзо давлатлар Беларусь, Хиндистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Туркманистон делегациялари, шунингдек, Евроосиё гуруҳининг кузатувчи давлат ва ташкилотлари: Италия, Корея, Мўғилистон, Польша, АҚШ, Туркия, Черногория, Франция ва ФАТФ, "Эгмонт" гуруҳи, Осие тараққиёт банки, МДХнинг Терроризмга қарши курашиш маркази, Евроосиё тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, БМТнинг Терроризмга қарши курашиш кўмитаси, Халқаро валюта жамғармаси, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, БМТнинг Гиёвандлик ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби нуфузли ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.

Ялпи мажлис ва унинг ишчи гуруҳларида кун тартибига мувофиқ бир қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди, жумладан, халқаро террористик гуруҳ ИШИД фаолиятига, уни молиялаштиришга қарши курашишни кучайтириш ҳамда БМТ Хафсизлик Кенгашининг тегишли резолюцияларини тезкор татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, ялпи мажлис давомида бир қатор ҳисоботлар, жумладан, молиявий пирамидалар фаолияти натижасида топилаган жиноий даромадларни легаллаштириш, коррупция ва жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятининг содир этилиши типологияси, кредит

ташкilotлари активларидан ноқонуний фойдаланиш, қалбаки пуллар билан терроризмни молиялаштиришнинг алоқадорлиги, жиноий даромадларни легаллаштириш ва тақсимлашда офшор ҳудудлардан рўйхатдан ўтган компаниялардан фойдаланиш типологияси, шахсларни террорист ва экстремистлар рўйхатига киритиш ва ундан чиқариш механизмлари ҳамда мазкур шахсларнинг активларини тўхтатиб қўйиш бўйича услубий тавсиялар тасдиқланди.

Мажлисда Евроосиё гуруҳига аъзо давлатлар томонидан аъзо бахоналаш бўйича иккинчи раундга тайёргарлик кўриш юзасидан ишларни давом эттириш, шунингдек, жиноий даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролининг тарқатилишини молиялаштиришга қарши курашиш соҳаларида халқаро стандартларни миллий қонунчиликларга жорий қилиш, бу борада қатор ҳудудий семинарлар ўтказиш ва шу каби бошқа истиқболли вазифалар белгилаб олинди.

Бундан ташқари, ялпи мажлисда Евроосиё гуруҳига аъзо давлатларнинг жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида олиб бораётган ишлари, миллий қонунчиликларидagi ўзгаришлар юзасидан музоқаралар олиб борилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси делегацияси томонидан миллий қонунчиликдаги сўнгги қўшимча ва ўзгаришлар юзасидан тақдим этилган маълумотлар, бу масалада тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари учун ўқув семинарлари ташкил этилаётганлиги иштирокчилар томонидан ижобий баҳоланди.

## Меҳр ва эътибор намунаси

Мустақиллигимизнинг илк йилларидаёқ мамлакатимизда инсонга ғамхўрлик кўрсатиш энг олий қадриятига айланган. Унинг саломагинини муҳофазат қилиш, бахтли болалик ва ёшликни таъминлаш, шу асосда юртдошларимизнинг жамиятада муносиб ўрин эгаллаши учун барча қўлайликлар яратилди.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Ўзбекистон кўзи оғизлар жамиятининг маданият саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллиги ҳамда 3 декабрь — Халқаро ногиронлар кўзи муносабати билан ташкил этилган тадбирда бу алоҳида таъкидланди.

Биринчи Президентимиз Исроил Каримов раҳнамолигида аҳолини кучли ижтимоий муҳофазат қилиш, айнакча, эътиборга муҳтож инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қув-

ватлаш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилгани бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

— Конституция, аввало, миллат тақдирини ва эркининг ифодаси, жамият тараққиётининг асосидир, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази Чилонзор тумани бўлими раҳбари А.Обидов. — Бугунги тадбир Бош қомусимизда кўрсатилганидек, мамлакатимизда ногиронларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва бу борада жойларда ташкил этилаётган омма-


вий-маданий ва хайрия тадбирларида эътиборга муҳтож фуқароларни тиббий-ижтимоий ҳамда касбий реабилитация қилишда ҳамкорликни янада кучайтиришга қаратилган.

Иштирокчилар "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмайди", "Бош қомусимиз — юртимизда янги жамият барпо этишнинг ҳуқуқий асоси" каби мавзуларда маърузалар тингладди. Уларга жорий йил 4 декабрь кўни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Марказий сайлов комиссияси томонидан жисмоний имконияти чекланган фуқароларга яратилган қўлайликлар юзасидан маълумотлар берилди.

Тадбирда Ватан, дўстлик ва эзгуликни тараннум этувчи куй-қўшиқлар янгради.

# Мурожаатлар инсон тақдирига дахлдор

Ваколати давлат органлари ва муассасаларига, хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат этиш ҳуқуқи фуқароларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, шунингдек, халқ ҳокимиятини амалга оширишнинг самарали шаклидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳар бир мурожаат одамларнинг ташвиши, турмушда дуч келадиган муаммоларини акс эттирадиган кўзгу бўлиб, уларни бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга.



куратура органларига бўлган ишончи ошганлигидан далолат беради.

"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонун ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда бу борада 21 та текширишлар ўтказилиб, натижаларига кўра қонунга зид равишда қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ҳақида 13 та протест келтирилган. Қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан ваколатли идораларга 59 та тақдимнома киритилган. Қонун бузилишга йўл қўймаслик ҳақида 9 нафар мансабдор шахслар расман огоҳлантирилган. 153 нафар шахс интизомий, 31 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилган. Жиддий қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 5 та жиноят иши кўзгатилиб, 71 нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланган.

Фуқароларнинг мурожаатларини мазмунан кўриб чиқиш жараёнида аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 60 та протест келтирилган, қонун бузилишларни бартараф этиш юзасидан 58 та тақдимнома киритилган. Прокүрорларнинг қарори ва тақдимномалари кўриб чиқиши натижасида 163 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган. Судларга 692 млн. сўмдан ошмироқ 66 та ариза киритилиб, етказилган зарардан 76 млн. сўмдан кўпроғи ихтиёрий қопланган. Кўпол қонун бузилишлар юзасидан 98 та жиноят иши кўзгатирилган.

Хусусан, ўтказилган текширишларда давлат бошқаруви органлари ва уларнинг қуйи тизимлари томонидан 86 та, маҳаллий ҳокимликлар томонидан 524 та, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан 28 та, ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 284 та ва назорат-тектирув органлари томонидан 5 та қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланган. Масалан, Самарқанд шаҳридаги Сибё электр таъминоти корхонаси мансабдор шахслари 8 та мурожаатни қасддан йўқ қилишиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига жиддий зиён етказишган. Шунингдек, 358 та мурожаатнинг кўриб чиқиш мuddатлари узрли сабабларсиз бузилиб, муаллифларга жавоб хати берилиши таъминланмаган. Мазкур ҳо-

лат юзасидан Самарқанд шаҳар прокуратураси томонидан корхона мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши кўзгатирилган.

Нуробод тумани Гирдикўрғон маҳалласида яшовчи фуқаро Н.Абаеванинг кам таъминлангани сабабли моддий ёрдам тайинлаши сўраб маҳалла раиси Э.Муродовга қилган мурожаати бўйича орадан 3 ой 15 кун ўтганидан кейин муаллифга жавоб хати юборилгани аниқланиб, Э.Муродовга нисбатан МЖТКнинг 43-моддаси билан маъмурий иш кўзгатирилган ва кўриб чиқиш учун судга юборилган.

Шу каби, АТ "Халқ банки" Богیشамол филиали бошқарувчиси Э.Турдиев фуқаро Ш.Ваҳидовнинг банка қўйилган 6 млн. сўмдан ошмироқ пулини нақд пулда қайтариб бериш борасидаги оғзаки мурожаатини тегишли тартибда рўйхатга олмагани, ариза муаллифига жавоб хати юбормагани учун маъмурий жавобгарликка тортилган.

Бундан ташқари, вилоят прокуратураси органларига "1007" рақамли ишонч телефонлари орқали жорий йилнинг ўтган даврида 3219 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 3196 таси ҳал қилиниб, улардан 510 таси қаноатлантирилган. 300 нафар фуқаронинг бузилган ҳуқуқлари тикланган.

Яқинда иш бошлаган Ўзбекистон ҳукумати порталида очилган Бош вазирнинг виртуал қабулхонасини ўзбек давлатчилик мактабига мансуб адолатпарварлик, ҳақиқатни таъминлаш борасидаги аъналарнинг мантқий давомий бўлиб, дейиш мумкин. Минглаб юртдошларимизга ҳал этилмаган масалалар, муаммолар, ариза, шикоят ёки тақдир билан тўғридан-тўғри мамлакатимиз Бош вазирга мурожаат қилиш имконияти яратилди.

Маълумотларга кўра, Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига дастлабки кунёқ мамлакатимизнинг турли жойларидан мингга яқин ариза, шикоят ва тақдирлар тушган бўлса, бугун мурожаатлар сони янада ошиб бормоқда. Қувонарлиси, хозирга қадар юзлаб муаммолар тезда ўз ечимини топапти. Бу хайрли жараёнга прокуратура органлари ҳам ўз хиссасини қўшмоқда.

Мурожаатларни қонунда белгиланган мuddатларда адолатли ҳал қилиш бўйича барча тоифадаги раҳбарлар-

нинг шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида вилоят прокуратурининг фармоиши билан Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларнинг ҳал этилишини назорат қилиш бўйича комиссия тузилди. Виртуал қабулхонадан келиб тушган мурожаатларнинг ҳисобини юритиш ва ўз вақтида ҳал этилиши ҳамда муаллифларга қонуний асослантирилган жавоб берилиши таҳлил қилиб борилмоқда.

Қисқа даврда фуқароларнинг 332 та мурожаати виртуал қабулхонанинг электрон почта тармоғи орқали вилоят прокуратурасига келиб тушган.

Мазкур мурожаатларнинг 43 тасини ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилганлик, 58 тасини ЖИБ ва ФИБ судларининг ноқонуний қарорлари, 66 тасини солиқ, банк, архитектура, коммунал хизмат ва МФЙ ходимлари, 32 тасини ички ишлар бошқармаси, 16 тасини таълим соҳасидаги маъсул ходимларнинг ҳаракатлари, 18 тасини суд қарорлари ижроси, 23 тасини қишлоқ ҳўжалиги соҳаси, 76 тасини бошқа масалалар бўйича ёзилган мурожаатлар ташкил этган. Мисол учун, фуқаро Б.Даминовнинг Каттақўрғон туманидаги қишлоқ ҳўжалиги касб-ҳўнар коллежи ўқитувчиси вазифасидан ишдан бўшатилиши ҳақидаги мурожаати вилоят прокуратураси томонидан кўриб чиқилиб, коллеж директорининг буйруғи бекор қилиниб, ўқитувчи вазифасига қайта тикланди ва унинг иш ҳақи ва меҳнат таътили пуллари тўлаб берилди. Фуқаро Н.Маматовнинг Самарқанд халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослашган таъмирлаш-йўлдаланиш корхонасидан нафақага чиққани, лекин охириги ҳисоб-китоблар бўйича 4 млн. 326 минг сўм иш ҳақи тўланмасдан қолгани ҳақидаги мурожаати кўриб чиқилиб, натижасига кўра Н.Маматовга иш ҳақи тўлиқ тўлаб берилиши таъминланди.

Мурожаатларнинг барчаси бевосита вилоят прокуратурасининг ўзида кўриб чиқилиб, натижаси бўйича мурожаат муаллифларига қонунда белгиланган мuddатларда маълум қилиб борилмоқда.

Давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат ва бошқа органларга Бош вазирнинг виртуал қабулхонасидан келиб тушаётган мурожаатларнинг ҳал этилиши бўйича прокуратура органлари томонидан алоҳида назорат ўрнатилган.

Таҳлилларга кўра, шу йилнинг 10 ноябрга қадар ушбу органларга жами 3687 та мурожаат келиб тушган.

Вилоят прокуратураси томонидан ушбу мурожаатларнинг кўриб чиқиши аҳволи таҳлил қилинганида 149 та ҳо-

Облақул АЗИМОВ,  
Самарқанд вилоят прокуратурининг  
биринчи ўринбосари

латда қонун бузилишига йўл қўйилгани аниқланди. Хусусан, 90 та ҳолатда "Марказгазтаъминот" унитар корхонаси, 51 та ҳолатда "Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" АЖ, 8 та ҳолатда меҳнат бош бошқармаси ходимлари томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқишида қонун талаблари бузилган. Масалан, Самарқанд шаҳридан фуқаро Б.Ибадовнинг ўзи яшаётган маҳалласида табиий газ босими пастлиги ва бу масалада амалий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги мурожаати "Марказгазтаъминот" унитар корхонаси ходими З.Толибов томонидан кўриб чиқилиб, газ босимини ошириш бўйича "Самарқандшаҳаргаз" филиалига топшириқлар берилгани ҳақида юзак жавоб хати юборилган.

Ўрганиш жараёнида "Марказгазтаъминот" унитар корхонаси томонидан Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига мурожаат қилган яна 12 нафар фуқаронинг мурожаатларини ҳал этишда ҳам шу каби камчиликларга йўл қўйилгани маълум бўлди.

Фуқаролардан келиб тушган мурожаатларнинг давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари ҳамда маҳаллий ҳокимликларда ўз вақтида ва сифатли ҳал этилиши устидан назорат тадбирлари давом этмоқда.

Кези келганда таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг мурожаатлари халқимизнинг давлат ҳокимиятига ва қонун устуворлигига ишончи ошиб бораётганидан далолатдир. Шу билан бирга, фуқароларимизнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан самарали фойдаланган ҳолда мурожаат этиши халқимизнинг савияси ва маданияти юксалиб бораётганини кўрсатмоқда.

Агар фуқаронинг муаммоси қуйи бўғинда ҳал бўлса, у юқори ташкилотларга мурожаат қилмайди. Шундай экан, маҳаллий давлат ҳокимияти ва барча даражадаги бошқарув органлари раҳбарларининг фуқаролар мурожаатларини шахсан ўз назоратига олиши, уларнинг муаммоларини ҳал қилишда самарали тизимини йўлга қўйиш вақти аллақачон етиб келган.

Ҳар бир мурожаат ортида инсон, унинг тақдири, эл-юртимиз ҳаётига оид бирон-бир масала мужассам. Буларнинг ҳал этилиши мамлакатимизда кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнини тезлаштиради, халқ фаровонлигини ошириб, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очик-ошкоралиги ва ишонқилигини таъминлашга хизмат қилади.

# Барқарор тинчлигимиз ва порлоқ келажакимиз кафолати

*/Давоми.  
Бошланиши 1-бетда/*

Унда ҳуқуқий давлатчиликнинг асосий таъминоти ва белгилари ҳамда ижтимоий адолат принциплари мустаҳкамланган. Барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва қонунларга асосланиши, қонунлар эса ўз навбатида, Конституцияга мос бўлиши талаб қилинади. Қонун олдида ҳамма фуқаролар тенглиги, ҳар бир фуқаронинг қонун устуворлигини тан олиши қатъий қоида сифатида белгилаб қўйилган.

Турмушимизда Конституциянинг ҳаётбахш кучи, барқарорлаштирувчи таъсири қонундан-қонунга ортиб бормоқда. Шах-шубҳасиз, Асосий Қонуниимиз жамиятни бирлаштирувчи, кенг омгани ислохотларнинг фаол иштирокчиси айлантирувчи муҳим омилга айланган. Бу эса ўз навбатида, ижтимоий тараққиётга эришишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Конституцияси олий даражадаги ҳужжат сифатида давлатимизнинг қиёфаси, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузумини, ислохотларнинг стратегик йўналишларини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини ҳамда маънавий қадриятларимиз асосини мустаҳкамлаб берди.

Маънавий қадриятлар, ҳалқимизга хос фазилатлар жамиятнинг асосий бўғини дея эътироф этилган оиланинг давлат муҳофазасида экани, ота-она ва фарзандларнинг бир-бирига бўлган бурч ва мажбуриятлари, никоҳ муносабатлари ҳақида сўз юритилган "Оила" номи бобдаги 66-моддада "Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар" деб белгиланишида аққол акс этган. Зотан, ҳар бир кишининг маънавияти, аввало, оилада шаклланади, унинг келгусида қандай инсон бўлишига шу муқаддас даргоҳда замин яратилади.

Ўзбекистон Республикасида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислохотлар унинг ҳуқуқий асосларини тизимли равишда таҳлил этиш орқали такомиллаштириб боришни талаб этади.

Конституция қонунчиликни тизимлаштиришнинг асосий предмети ҳисобланади, мазмун-моҳиятига кўра, ҳозирги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб асосларини муҳасамлаштириди. Мамлакатимиз ҳуқуқ тизимининг барча элементлари ўртасидаги ўзаро уйғунлик, мувофиқликни таъминлайди.

Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамлайди. Халқ ва инсон манфаатларини кўзлаб, унинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тобора тўлиқ қондириб бориш, айниқса, шахс ҳуқуқлари, эркинликлари,

бурчларини амалга ошириш кафолатини яратиш ҳамда уни муҳофаза қилиш Конституциянинг бош мақсадидир. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари масалалари билан бевосита шугullanувчи бир қатор миллий институтлар бугунга келиб изчил фаолияти билан жамиятимиз ҳаётида ўз ўрнига, муайян таъсир кучига эга бўлди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Аамалдаги қонун ҳужжатлари мониторингинг институти томонидан амалга оширилаётган ишларнинг ижобий натижаларини кенг жамоатчилик эътироф этмоқда. Юртимизда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари учун ҳар томонлама шароит ва имкониятлар яратилаётгани фуқаролик жамияти қуришга қаратилган эзгу мақсадларимиздан биридир.

Бош Қонуниимизнинг 7-моддасида "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади" дея таъкидланади. Шунинг алоҳида эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда давлат халқ иродасини ифодалайди ва унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат сиёсатини халқнинг хоҳиш-иродаси белгилаб беради. Мазкур сиёсат инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, Ўзбекистондаги барча фуқароларнинг фаровон турмушини таъминлашга қаратилгани билан ҳам алоҳида эътиборга моликдир. Унинг тузилиши жиҳатдан мазмун инсон — жамият — давлат йўналишида ташкил этилган. Бу эса, инсон манфаатларининг ҳар нарсадан устун туриши давлатнинг асосий диққат-эътиборида эканини билдиради. Бу тушунча Конституциянинг 2-моддасида ҳам ўз ифодасини топган: "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар".

Дарҳақиқат, Конституциямиз — шу муқаддас заминимизда истиқомат қилаётган инсонларнинг дунёкараши, ўзаро муносабатлари, меҳроқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элларга нисбатан ҳурмат, илму фанга интилиш, орномус каби эзгу фазилатларини ўзига асос қилиб олган. Бизнинг Конституциямиз янги замонавий ва эркин ҳаётимизни ҳар тарафлама ҳимоя этишимизга хизмат қилади. Унинг 22-моддасида "Ўзбекистон Республикаси ўз худудида ҳам, унинг ташқирисид ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди" дея белгилаб



қўйилгани ҳам фикримиз далилидир.

"Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг демократик, халқро микёсда эътироф этилган меъёр ва таалабларга жавоб беради дейиш учун тўла асосимиз бор. Бугунги кунда Конституциямиз суверен давлатимизни қонуний-ҳуқуқий жиҳатдан шакллантиришнинг асоси бўлиб қолди" деган эди Биринчи Президентимиз Ислам Каримов. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар бобида халқро эталон сифатида қаралади. Маълумки, Асосий Қонуниимизда айнан мазкур декларациядаги, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқро пактдаги, қолаверса, умумэтироф этилган ўтиздан зиёд энг муҳим халқро ҳужжатлардаги муҳим қоидалар ўз ифодасини топган.

Мамлакатимизни дунё тан олди, халқро майдонда нуфузга эга бўлиб бормоқда. Бундай муваффақиятлар замирида Конституциямиз муҳим аҳамият касб этаётганини ҳис қилишимиз лозим. Яъни Бош Қонуниимиз орқали Ўзбекистонда барча миллат ва элларнинг ўзаро дўстлик, биродарлик, ҳамкорликда яшашларига ҳуқуқий асос яратилган. Бу фикрнинг исботини биргина 8-модда мисолида ҳам кўришимиз мумкин: "Ўзбекистон халқини миллатдан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади".

Унда Конституция даражасида "Ўзбекистон халқи" тушунчасининг таърифи баён этилган бўлиб, Ўзбекистонда тузилган, унинг заминида истиқомат ва меҳнат қилаётган ҳар бир киши, миллий ва ирқий мансублигидан, эътиқодидан қатъи назар, республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир.

Ўзбекистон фуқаролари, элларининг насл-насаби, ирқий, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, Ўзбекистон халқини ташкил этадилар. Конституциямиз Ўзбекистон халқини ташкил этувчи барча миллат ва элларнинг урф-одатлари ва миллий анъаналарини ҳурмат қилишни кафолатлайди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, инсоннинг асосий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини қатъий ҳимоя қилмасдан туриб, жамиятни демократлаштириш мумкин эмас. Халқимизнинг бой маънавий сало-

ҳияти, унинг тасарруфида бўлиши улкан табиий бойликлар ва техникавий имкониятлар, тобора мустаҳкамланиб бораётган халқро алоқалар демократик вояжланиш ҳамда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш имконини бермоқда. Мамлакатимиз ўз мустақиллигини кўлга киритгач, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, айниқса, ижтимоий муҳофаза этиш борасидаги умумдунёвий жараёнларда фаол иштирок эта бошлади.

Шуни таъкидлаш жоизки, давлатимизнинг инсонларвар сиёсати миллий қадриятларимизга уйғунлашиб кетган қонунларимизнинг мазмун-моҳиятида катталарга ҳурмат, кексаларни эъозлаш, ёрдамга эҳтиёжманд кишиларга ғамхўрлик қилиш каби фазилатлар мужассамлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, Асосий Қонуниимизда Куролли Кучларимиз фақат Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва худудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учунгина ташкил этилиши конституциявий норма сифатида қатъий белгиланди ва ҳозирда мазкур конституциявий талаблар оғишмай ижро қилиб келинмоқда.

Куролли Кучлар сафида хизмат қилаётган ҳар бир ҳарбий хизматчининг кўзларидан, сўзларидан ва хизматидан танлаган касбидан қанчалар фахрланишини, қалбларидаги гурур ва ифтихор туйғуларини англаш қийин эмас. Инсон манфаатлари устувор бўлган, хизмати қадрланган ва улғуланган юрда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Яна қувонарлиси, республикамизда "Мустақиллик", "Амир Темур", "Жалолиддин Мангуберди", "Мардлик" орденилари, "Жасорат", "Содиқ хизматлари учун" каби медаллар таъсис этилганки, улар давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтиришга қатъи ҳисса қўшаётган, Ватан ҳимояси учун ўзини бағишлаган, она юрт хизмати йўлида жасурлик ва довораклик кўрсатган ҳарбийларимиз ва бошқа фуқароларимизнинг хизматини қадрлашга, уларни намуна қилиб кўрсатишга, бу орқали эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, фидойи ва ватанларва ёш авлодни тарбиялашда муҳим оми бўлиб хизмат қилмоқда.

**Абдурахим ХУСАНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий  
прокурорининг биринчи ўринбосари

Бу ўринда Куролли Кучларимиз тизимидаги ислохотларни амалга ошириш, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини таъминлаш, қўшинларни қонунга итоаткор ва ҳуқуқий маданияти юксак профессионал кадрлар билан таъминлаш, қўшин турларининг жанговар тайёргарлиги ва доимий шайлигини мунтазам ошириб бориш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлаш халқ қилувчи аҳамиятга эга.

Ўз навбатида, ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг Конституциямизда белгиланган меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шарт-шароитларида ишлаш ва қонунда белгиланган тартибда иш-силикдан ҳимояланиш борасидаги ҳуқуқлари амалда таъминланмоқда. Бу борада ҳарбий прокуратура органлари томонидан маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда ҳарбий хизматчиларнинг иш билан банд бўлмаган оила аъзоларининг бандлигига қўмақлашиш мақсадида "Бўш иш ўринлари" меҳнат ярмақалари ташкиллаштирилмоқда ва ҳарбий хизматчиларнинг ишга киришга хоҳиши бўлган оила аъзолари иш билан таъминланмоқда.

Конституциямизнинг ҳарбий хизматчиларимиз ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоясини таъминлашдаги ўрнини ҳар соҳада кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси АҚШ, Буюк Британия, Франция ҳамда бошқа жаҳон сиёсат ва дипломатия майдонида алоҳида ўринга эга бўлган давлатлар, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти каби нуфузли халқро ташкилотларнинг олимлари юқори баҳолаган. Чунки Асосий Қонунни яратишда ҳам бой миллий тарихий-ҳуқуқий меросимизга ҳамда халқро ҳуқуқнинг барча умумэтироф этилган қоидаларига, илғор демократик давлатларнинг конституциявий тажрибаларига таянган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Конституцияси жаҳон сиёсий харитасида янги суверен давлат — Ўзбекистон давлати дунёга келгани, дунё сиёсати сахнида умумбашарий ғояларни дадил илгари сураётгани, Ўзбекистон аҳли жаҳон ҳамжамияти ва дунё халқлари орасида ўз мавқеини мустаҳкамлаб бораётганини кўрсатуви муҳим ҳуқуқий ва халқро аҳамиятга молик ҳужжатдир.

# Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясининг мустақкам асоси

[Давоми. Бошланиши 1-бетда]

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти таъкидлаганларидек, "Табииий, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-этибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳофизат этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг махсулидир".

Конституциянинг 2-моддасида "Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида маъсулдилар", деб алоҳида белгилаб берилган.

Дарҳақиқат, Конституция қабул қилинган кундан бошлаб давлатда шахснинг овоз ва эркинлиги, мустақиллиги жамиятимиз ҳаётининг кўп қир-

рали барча жабҳаларида дастлаб давлат сиёсатида, иқтисодиётида, маданиятида ўз ифодасини кўрсата бошлади. Бунинг учун ҳар бир кишининг фикрлаш мустақиллиги, сўз эркинлиги, демократик қарашлар мустақиллиги қонун билан муҳофизат қилинди.

Конституциянинг 49-моддасида "Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдилар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофизатидир", деб қайд этилиши ҳам узок йиллар давомида камситилган маънавий қадриятларимиз тикланиб, яна ривож топа бошлаганидан далolat беради. Айтиш жоизки, халқимиз ўзининг маънавий етуқлиги, ҳар бир ишга илм-маърифат билан ёндашуви, эзгулик, инсонийлик каби юксак фазилатлари билан бундан минг йиллар аввал ҳам маънавий оламнинг арконлари бўлиб келганлигига тарихнинг ўзи гувоҳ.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, давлатимизнинг инсонпарвар сиёсати миллий қадриятларимизга уйғунлашиб кетган қонунларимизнинг мазмун-моҳиятида катталарга ҳурмат,



кексаларни эъозлаш, ёрдамга эҳтиёжманд кишиларга ғамхўрлик қилиш каби фазилатлар муҳассамлигини қириш мумкин. Бу инсонпарвар тамойилларга асосланган Бош Қонунимизнинг 39-моддасида ҳам акс этади: "Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга".

Конституциянинг 45-моддасида эса вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги кафолатланган. Конститу-

циямида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга ҳамда вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур эканликларининг белгиланганлиги миллий қадриятларимизга асосланган бўлиб, ушбу нормалар бирон-бир давлат конституциясида мавжуд эмас.

Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилган Конституция ва қонун устуворлиги тамойили мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий пойдевори бўлиб ҳам хизмат қилмоқда.

"Ўзбекистон Республикаси-

да Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устуңлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар", дейилади Конституциянинг 15-моддасида. Унинг 16-моддаси иккинчи қисмида эса "Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас", деб мустақкамлашиб қўйилган. Бу биринчидан, барча жорий қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституцияга мувофиқ бўлишини, иккинчидан, қонун олдида ҳамманинг тенглигини, учинчидан, ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг ҳукмронлигини аңглатади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз Конституцияси ҳуқуқий давлатимизнинг қарор топиши ва мустақкамлашини, халқимизнинг азалий аҳъаналарига, удумларига, ахлоқий қадриятларига, Ватан ва халқ манфаатлари, буюк давлатнинг ёрқин келажаги йўлида белгилаб қўйилган улуг ва эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

## Конституция ва сайлов қонунчилиги

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сайлов тизимига алоҳида бозинг ажратиш мамлакатимизда янги сайлов қонунчилигининг шаклланиши учун энг муҳим ҳуқуқий асос бўлди. Ушбу мустақкам ҳуқуқий заминга таянган овоз сайлов қонунчилиги халқаро демократик мезонларга мос ва тизимли тарзда ривожланиб, такомиллашиб келмоқда.

Асосий Қонунимизда қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишсиз уларнинг конституциявий ваколат мuddати тугайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи кундан бошлаб ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси миллий сайлов тизимида сайлов орқали шаклланидиган юқори лавозимлар ҳамда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг, шунингдек, уларга сайлов ўтказиш вақти ҳамда уларнинг конституциявий ваколат мuddатларининг аниқ белгиланиши мазкур тизимнинг мукамаллигини кўрсатади.

Яна бир эътирофга молик жиҳат шундаки, Ўзбекистонда сайловлар энг демократик сайлов принциплари асосида ташкил этилади ва ўтказилади. Конституциямизга асосан сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Мазкур принциплар халқаро сайлов стандартларининг фундаментал асосини ташкил этади. Ушбу принципларнинг тизимга сингдирилиши сайлов Ўзбекистонда миллий сайлов тизимининг умумий эътироф этилган халқаро нормаларга мослигини таъминлайди.

Конституцияга асосан, Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга

тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадилар. Бу энг мақбул, инсон баалоғатга етадиган ёш ҳисобланади.

Шу ўринда Конституцияга ва сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларга тўхталсак. 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун орқали сайловларга оид қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши билан амалдаги Конституция ва бир қатор қонунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 77-моддасининг биринчи қисмида ўз ифодасини топган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сони 120 дан 150 нафарга кўпайтирилди. Мазкур норма амалий ижроси натижасида 2009 йилдан бошлаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 135 нафари худудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланиш амалиёти жорий этилди.

Кўппартиявийлик асосида сайланадиган депутатлар сонининг ўн беш нафарга кўпайтирилиши сиёсий партияларнинг қонун чиқарувчи орган қуй палатасидаги вакилликни кенгайтиришга, сиёсий партия электорати манфаатларининг янада кенгроқ ҳимоя қилинишига хизмат қилмоқда. 2009, 2014 йилларда парламент сайловларидан сўнг партияларнинг қонун ижодкорлигидаги иштирокининг янада кенг қамровли бўлиши таъминланди.

Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати Ўзбекистон Экологик ҳаракатига сайланиш амалиёти жорий этилди. Бу янги қоидалар асосида сайлов қонунчилигига ўзига хос янгилик — депутатлик ўринларини квоталаш институти киритилди. Экологик ҳаракатга катта ишонч ва юксак ваколат берилишининг муҳим шarti — глобал муаммо ҳисобланган экология бузили-

шининг олдини олиш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашнинг янги ҳуқуқий механизмининг жорий этишдан иборат эди. Қонунчилик палатасида ушбу ҳаракат вакилларига ўн бешта депутатлик ўрнини ажратиш ҳақида қабул қилинган қарор нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади. Сўнги йилларда мазкур ҳаракатнинг Қонунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, бу соҳага фуқаролик институтларини фолл жалб этиш муҳим аҳъамиятга эга бўлган 9 та қонун, хусусан, "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш ташаббуси билан чиқди.

2015 йил мобайнида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Экология ва атроф-муҳитни муҳофизат қилиш масалалари қўмитаси ҳамда Экоҳаракат депутатлари гуруҳи томонидан қонун ташаббускорлиги асосида 9 та қонун лойиҳаларини, шу жумладан, 3 та янги қонунни ишлаб чиқиш ва 6 та амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Яна бир эътиборли жиҳати, Биринчи Президентимиз Ислоом Каримов томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да ўртага ташланган тақлифлар асосида 2011 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритилган янги қоида партиялар рақобатининг кучайишига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Унга асосан "Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдорда энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан тақлиф этилади".

Мазкур янги қоида кўппартиявийлик тизими ва сайловларнинг узвий боғлиқлигини янада яққол намоён эта-

Баҳодир УМАРОВ,  
Наманган вилоят прокурори

ди. Сайлов натижасида партиянинг имкониятлари ҳам давлат бошқаруви ва ҳокимиятга таъсир кўрсатиш орқали юксалади. Бош вазир номзодини кўрсатиш имкониятига эга бўлган партия, ўз навбатида, ҳукуматни шакллантиришда иштирок этади. Ушбу имкониятга эга бўлиш учун партия синовлардан муваффақиятли ўтиши лозим. Партиялар учун асосий синов — давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайловларидир. Демократик сайловлар орқали партиялар ўз куч-қудрати ва бор имкониятларини намоён эта олиши даркор. Бу партиялардан депутатликка муносиб номзодларни кўрсатишдан иборат бўлиб, ўз дастур ва платформасини халқли тарафда шакллантириш, сайловда ташвиқоти муваффақиятли амалга ошириш, сайловчилар орасига уларни қизиқтира оладиган, уларнинг манфаатларини акс эттирган етакчи гоёлар, дастурлар билан кириб боришда ўз ифодасини топади.

2014 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Улардан бири Конституциянинг 117-моддасига сайлов тизимига оид нормага киритилган қўшимчалардир. Унга асосан, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, унинг мақсади ва ташкил этиш тартиби, фаолиятининг асосий принциплари конституциявий нормалар асосида мустақкамлади. Жумладан, Конституцияга Марказий сайлов комиссиясининг қандай мақсадда ташкил этилиши ҳақида янги қоидалар киритилди. Яъни, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун тuzилади.

[Давоми 6-бетда]

# Фуқаролик жамиятининг асоси

## асоси

Отабек ТОШМАТОВ,  
Фаргона шаҳар прокурорининг  
катта ёрдамчиси

Мустақилликка эришган халқимиз иродасини рўёбга чиқаришда эзгу мақсадни қўлаб, Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг лойиҳаси матбуотда эълон қилинган, юзлаб, минглаб тақлифлар келиб тушди. Улар сараланиб, таҳрир қилиниб, халқимизнинг хоҳиш-иродасини ўзида мужассам этган Бош Қонунимиз қабул қилинди.

Унда демократик ҳуқуқий давлат қурилишининг давлат суверенитети, халқ ҳокимиятичилиги, конституция ва қонуннинг устуңлиги каби асосий принциплари мустаҳкамлаб қўйилди. Халқ иродасини ифода этувчи давлат унинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Бу жамият ҳаётининг барча соҳаларида намоён бўлмоқда. Бош ислохотчи — давлат томонидан амалга оширилган илохотлар жараёнида фуқаролар муносиб турмуш кечиришлари учун ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Конституциямизда умум-эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ тарзда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари мустаҳкамлаб қўйилди. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Ушбу қоида асосида қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатлари фуқароларнинг тинч-тотув, эркин, фаровон ҳаёт кечиришларига хизмат қилмоқда. Иқтисодиётнинг ривожланиши баробарида мисли қирилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз обод ва кўркем, турмушимиз файзли, тароватли бўлиб бормоқда.

Конституциямизнинг 29-моддасига биноан ҳар ким фирқалаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқини тасарруф этаётган билимга, янгиликка чанқок иқтидорли фуқаролар, ёшлар илм-фан чўққиларини эгаллашяпти, кашфиётлари билан юртимиз тараққиётига муносиб ҳиссаларини қўшишяпти. Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган мулкдорлик ҳуқуқи, бозор иқтисодиётини

ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётнинг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этиши, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларида тенг ҳуқуқлиги, хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби дахлсизлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар давлат томонидан муҳофазат этилиши жамият тараққиётининг кенг уфқларини очиб берди. Ушбу конституциявий нормаларга мувофиқ қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлари фуқаролар иқтидор ва қобилиятларини ишга солиб, моддий-маънавий неъматларни яратишлари, катта-кичик корхоналар барпо этиб, ишлаб чиқариш, савдо-хизмат кўрсатишни кенг йўлга қўйишлари шарт-шароит ва имкониятлар яратиб берди. Бу ялпи ички маҳсулотда хусусий секторнинг улуши тобора юксалиб бораётганида кўзга ташланмоқда. Хусусий тадбиркор ва ишбилармонлар импорт ўрнини босувчи турли-туман, сифатли товар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини йилдан-йилга кўпайтиришмоқда. Сара товар ва маҳсулотларини хорижга экспорт қилишмоқда. Қулай ишбилармонлик муҳитининг шаклланиши, хорижий инвестициялар учун яратилган қонуний кафолатлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилгани натижасида Ўзбекистон сўнги йилларда иқтисодиёти юқори суръатларда ривожланаётган мамлакатлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Мулкдорлик ҳуқуқи асосида қилшқ ҳўжалигида амалга оширилган илохотлар натижасида дехқонлар ўзлари меҳнат қилаётган ерининг, етиштираётган маҳсулотларининг ҳақуқий эгаларига айландини. Қишлоқдаги мулкдор — фермерлар, дехқончилик, богдорчилик ҳўжаликларининг эгалари етиштираётган дон, мевасабзавот, гўшт-сут маҳсулотла-

ри ички эътиёжни қондирибгина қолмай, хорижга экспорт ҳажмини кўпайтириш имконини бермоқда.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятлари қаторида суд ҳокимияти ўзига муносиб мавқени эгалламоқда. Суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритишига оид конституциявий нормага мувофиқ равишда изчилик билан суд-ҳуқуқ соҳалари илох қилинмоқда. Янгидан қабул қилинган, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақомиллаштирилган қонунларга мувофиқ барча турдаги низолар, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқбузарлик ва жиний қилмишлар судда айблов ва жимоя тарафларнинг тенглиги принципи асосида кўриб чиқилмоқда. Одил судловнинг амалга оширилиши таъминланмоқда.


Давлатимиз томонидан ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва юксалтиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Умумий ўрта таълим мактабларида Конституция дарслари ўтилмоқда. Ўрта-махсус, олий таълим муассасалари ўқувчи-талабаларига ҳуқуқшуносликдан сабоқлар берилмоқда. Оммавий ахборот воситалари, ҳуқуқ йўналишидаги қўлаб матбуот нашрларида чоп этилаётган мақолалар, радио-эшиттириш ва телекўрсатувларда, прокуратура органлари ўтказиётган тарғибот тадбирларида ҳаётимиз мисоллар билан амалдаги ва янгидан қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатларининг талаблари, мазмун-моҳияти кенг оммага етказилмоқда. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқий билимдорлиги, ҳуқуқ ва мажбуриятларига амал қилишнинг одатий тус олиши демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятининг асосларидандир.

Конституция ҳақида гап кетганда унга содда қилиб, "қонунларнинг қонуни", дея таъриф бериш мумкин. Негаки, унда фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, бурчлари, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг асосий принциплари, давлат ҳокимиятининг тузилиши, субъектлари, ҳокимиятни амалга ошириш механизми белгиланган.

# Тараққиётимиз кафолати

Аминбай АЙТИМБЕТОВ,  
Шуманай туман прокурорининг ёрдамчиси

Аввало, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Асосий Қонунимиз мукамаллиги билан ажралиб туришини таъкидлаш ўринлидир. У инсон ҳуқуқлари соҳасидаги универсал халқаро ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид деярли барча қоидаларини ўзида акс эттирганини айтиш жоиз.



Узоқ тарихга эга миллий давлатчилигимиз таърибасини, миллий ва умуминсоний қадриятларни, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини ўзида акс эттирган Конституциямиз ўзбек давлатчилигини замонавий, маърифий асосларда ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети гоъяларига содиқ қолиш, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро ҳамжиҳатлиқни таъминлашнинг кафолати ҳисобланади.

Биз бежиз миллатлараро ҳамжиҳатликка ургу бераётганимиз йўқ. Чунки, Ўзбекистон кўп миллатли давлат ҳисобланиб, миллатлараро муносабатлар масаласи биз учун ҳар доим муҳим аҳамиятга эга бўлиб келган. Ўзбеклар ҳар доим бошқа миллат ва дин вакилларига бағрикенглик билан муносабатда бўлишган. Тарихимиздан бунга жуда кўп мисол келтиришимиз мумкин. Шу боис Ўзбекистон мустақилликка эришган илк кунларданок мамлакатимизда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги Конституция даърасида кафолатлаб қўйилди.

Жорий йилнинг юртимизда "Соғлом она ва бола йили" деб номлангани, Асосий Қонунимизнинг айрим нормалари айнан оналар ва болаларимизнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилганини таъкидламоқчимиз. Хусусан, Конституциямизнинг 65-моддасида: "Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофазат қилинади", дейилади. Зотан, юртимизда оналарни эъзозлаш, болаларга ғамхўрлик қилиш масалалари минг йиллик аънаваларимиз сифатида эъзозланади. Оналар ва болаларни ардоқлаш туйғуси халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган қадриятлардандир. Онани оиланинг устунларидан бири, фарзандни эса буюк неъматлардан бири, деб биламиз. Оналаримизга қилган яхшилигимиз эртага бизга фарзандларимиздан қайтишини яхши биламиз. Шу жиҳатдан ҳар бир фарзанд зиммасига ўз ота-онасига ғамхўрлик қилиш мажбурияти юклангани тўла эътирофга молик.


Мухтасар қилиб айтганда, Конституция тинчлигимиз, фаровон ҳаётимиз, тараққиётимиз кафолати ҳисобланади. Унга риоя қилиб яшаш, уни тарғиб-ташвиқ қилиш барчамизнинг бурчимиздир.

# Конституция ва сайлов қонунчилиги

[Давоми. Бошланishi 5-бетда]

Мазкур қоидадан Асосий Қонунда акс эттириш орқали Марказий сайлов комиссияси конституциявий институт даражасига кўтарилди. Бу орқали фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқининг рўёбга чиқарилиши кафолатлари янада кучайтирилди. Қолаверса, янги конституциявий нормалар асосида Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари мустаҳкамланди. Унга асосан, Марказий сайлов комиссияси қонунийлик, колегиялик, ошқоралик, мустақиллик, адолатчилик каби тамойиллар асосида ўз фаолиятини амалга оширади. Бу сайловларни демократик андозаларга мос тарзда ўтказиш ва фуқароларнинг сайлаш ҳамда сайланиш ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириши учун мўҳимдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда қайд этиш жоизки, сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга ваколатли органнинг қайси принциплар асосида фаолият кўрсатишининг Конституция даражасида мустаҳкамланиши умумэътироф этилган халқаро стандартлари



мазмунига тўлиқ мос келади. Қолаверса, Марказий сайлов комиссияси фаолияти билан қизикқан миллий ва хорижий фуқаролар ҳамда экспертлар учун у ҳақида тўлиқ маълумот беришга хизмат қилади.

Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг доимийлиги ва қонунлар асосида иш олиб бориши Конституцияда акс эттирилди. Шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг Конституция ва қонунлар асосида фаолият олиб боришини белгилайдиган қоидаларнинг асосий қонунда акс эттирилиши бу орган фаолиятига ҳеч қандай давлат органи ва мансабдор шахслар аралашмаслигини, унинг мустақил ва фақат қонунлар асосида фаолият олиб боришини мустаҳкамлайди.

Бундан ташқари, Конституцияга Марказий сайлов комиссиясини ташкил этишга оид янги нормалар ҳам киритилди. Унга асосан Марказий сайлов комиссияси аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан сайланади. Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдирномаси бўйича комиссия мажлисида сайланади.

Конституцияга Марказий сайлов комиссиясининг шакллантирилишига оид янги қоидаларнинг киритилиши кенг жамоатчиликнинг мазкур органнинг ташкил этилиши билан боғлиқ тасавурларини аниқлаштиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, у мамлакатимиздаги сайлов ва референдумлар ўтказиш бўйича доимий асосда фаолият олиб борадиган институтнинг демократик асосларда ташкил этилишини кўрсатиб берди.

Ушбу янгиликлар Марказий сайлов

комиссиясининг мустақил, фақат Конституция ва қонунлар асосида фаолият юритишига, давлат ҳокимияти вакилик органлари сайловларининг демократик андозаларга мос тарзда ўтказилишига, фуқаролар сиёсий ҳуқуқларининг тўлақонли рўёбга чиқарилишига, сайловларга турли давлат ва ҳокимият органларининг асоссиз аралашуви бартараф этишга хизмат қилмоқда.

Қолаверса, Ўзбекистоннинг сиёсий тизими ва амалиётга қизқувчилар, мамлакатимиздаги сайловлар ҳақида маълумотга эга бўлишни хоҳловчилар, аниқлик, хорижилик экспертлар учун муайян қулайликлар яратилди. Янги Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги махсус қонунларни излаб, қидириб юрмасдан, тўғридан-тўғри Конституцияни ўрганиш орқали бу ҳақда маълумотга эга бўлади. Шунингдек, Ўзбекистондаги сайлов жараёниларни кузатадиган ҳамда уни баҳолаш учун таширф бююрадин қатор халқаро ташкилотлар ва хорижий мамлакатларнинг кузатувчилари учун ҳам қийинчиликсиз маълумотга эга бўлиш имконияти юзага келади.

# Асл инсонпарварлик ифодаси

Оқил киши ўз хатоларидан хулоса чиқариб, дарҳол уларни тузатишга интилади. Донишманд эса хато қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2016 йилнинг 12 октябрида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарор асосида жазодан озод этилаётган, билиб-билмай жиноят содир этган ва бу қилмишидан тўғри хулоса чиқарган кишилар билан сўхбатлашиб, ҳаёлимиздан шу каби фикрлар ўтди.

**Б**илиб-билмасдан жиноят йўлига кириб қолганларни кечириб, уларга нисбатан инсонпарварлик актини қўллаш шахсининг ҳар қандай қилмиши учун жазонинг муқаррарлигини англаб етишида жуда муҳим ўрин тутади.

Истиқлол шарофати билан авлоддан-авлодга ўтиб келаётган эзгу амалларимиз, асрий анъана ҳамда қадриятларимиз янада кенг қулоч ёзди. Бу — хато қилганини кечириб, йиқилганини сўяш, тўғри йўл кўрсатиш, инсон сифатида қаддини тиклаб, қайтадан жамиятнинг фаол аъзосига айланиши учун кўмаклашиш қабиларида намён бўлмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан буён ўтган 25 йил мобайнида амнистия акти ҳар йили эълон қилинмоқда. Биринчи Президентимиз Фармончи билан 1991 йил 31 августда эълон қилинган биринчи амнистия ҳалқимиз ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолганини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва жиноят қонунчилигини эркинлаштириш замирида, авваломбор, инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари, жиноят содир этган шахсларга нисбатан кечиримли бўлиш мақсадлари муҳасаммалган.

Юртимизда эълон қилинаётган амнистия актидан кўзланган мақсад — нафақат билиб-билмай жиноятга қўл урган шахсларни жазодан озод қилиш, балки улар туфайли жабр тортадиган ҳар бир оила ва унинг аъзолари, айниқса, ўсиб келаётган ўғил-қизларнинг келгуси тақ-

дирини турли салбий таъсир ва оғир синовлардан ҳимоя қилишдан ҳам иборатдир.

Қайд этиш жоизки, амнистия актини қўллаш жараёнлари устидан сенаторлар, депутатлар, фуқаролик жамияти институтлари, матбуот ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида таъсирчан жамоатчилик назоратини ташкил этиш эса хато ва камчиликларга йўл қўймайлик ҳамда шаффофликни таъминлашда қўл келди.

— Жазони ўташ мобайнида қилган хатоларим ҳақида жуда кўп ўйладим, қаттиқ пушаймон бўлдим. — дейди Қарши шаҳридаги Шайхали кўрғонда жойлашган жазони ижро этиш муассасасида қарор ижросини таъминлаш борасида ўтказилган очик суд мажлиси ахримига асосан жазодан озод этилган, Тошкент вилоятилик Ойбек Юсупов. — Қонунларни яхши билмаганим боис йўлдан адашдим. Тоғ-кон металлургия комбинатида ишлардим, ошпазлик қилардим, қўли гул уста эдим. Аммо жиноят кўчасига қандай кириб қолганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Охир-оқибатда озодликдан маҳрум этилдим. Ёлғиз онам, рафиқам, тўрт нафар фарзандимнинг тақдирини учун мен масъул эканимни унутдим. Менга билдирилган ишонч ва ғамхўрликдан миннатдорман. Бизни кечириб, ишонч билдирган, ғамхўрлик ва бағрикенглик кўрсатган давлатимизга, халқимизга раҳмат. Ишонинг, ҳаётимни қайтадан бошламан. Албатта, ҳалол яшайман!

Вилоятилик амнистия тўғрисидаги қарор ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, тегиш-

ли муассаса, идоралар раҳбарлари ва бошқа масъуллардан иборат ҳудудий комиссия ва ушбу қарорнинг амалиётда қўлланишида жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича ишчи гуруҳ самарали фаолият кўрсатмоқда. Ишчи гуруҳнинг асосий вазифаси Сенатнинг амнистия тўғрисидаги қарорни қўлланиш тартиб-таомилларининг очик-ошкоралигини таъминлашга кўмаклашишдан иборат. Шундан келиб чиқиб, гуруҳ аъзолари жазони ижро этиш муассасаларида бўлиб, маҳкумлар билан сўхбатлар ўтказишяпти, уларнинг шахсий йўл-йўлчилик билан танишяптилар. Шунингдек, суриштирув ва дастлабки тергов органлари иш юритишдаги терговга қадар текширув материаллари ва жиноят ишлари ҳам мониторинг қилинаёпти. Амнистия актига асосан жазони ижро этишдан озод қилинган шахсларнинг ўз уйларига, оиласи бағрига тез ва эсон-омон етиб бориши учун махсус транспортлар ташкил этилиб, йўл пуллари берилмоқда. Уларнинг ҳар бири билан сўхбатлар ўтказилиб, бундай бағрикенглик бир имконият экани, энди ҳаётда тўғри йўлни танлаш лозимлиги тушунтириляпти. Собик маҳкумларни уйларига қузатиш тадбирларида ота-оналари, жамоатчилик вакиллари қатнашишяпти.

Мутасадди давлат ва подставя ташкилотлар ҳамкорлигида амнистия туфайли жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган шахсларни ижтимоий ҳимоялаш, иш билан таъминлаш, ёлғиз ва қўмаққа муштораларга ёрдам кўрсатиш, соғлигини тиклаш, вояга етмаганларни ўз ота-оналари ёки васийлик органлари назоратида топшириш юзасидан тегишли чоралар кўрилмоқда.

Қарорнинг тегишли идора ва ташкилотлар томонидан ўз вақтида ва самарали ижро этилиши жазодан озод этилиши қўллаётган шахслар, уларнинг оила-аъзолари ҳаётида муҳим ўрин тутади. Бу жамиятда инсонпарварлик тамойилининг мустаҳкамланиши, барқарорлигининг таъминланишига замин яра-

**Сирождин ФАЙЗИЕВ,**  
Қашқадарё вилоят прокурорининг ўринбосари

тади. Маълумки, амнистия актига асосан озод бўлиб келган шахсларнинг ижтимоий ҳаётга қўникма ҳосил қилишида биринчи навбатда жамоатчилик, қолаверса, маҳалланинг ўрни юқори бўлмоғи зарур. Шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги муқаддам судланганларни ижтимоий ҳимоялаш қўникма марказлари томонидан амнистия акти асосида жазодан озод этилган шахслар мурожаат қилган ҳақотиёқ рўйхатга олинганини, шунингдек, уларга бир марталик моддий ёрдам пуллари берилишини, ҳокимликлар эса уларга сарфланган маблағлар масаласини ҳал этмоғи лозим.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш, ушбу жараёнда қонун бузилишларга йўл қўймайлик мақсадида суд, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва мутасадди идоралар ўртасида ҳамкорликни қўлайтириш масалаларига эътибор қаратилмоқда. Қарорнинг ўз вақтида, сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида масъул идоралар ходимларининг билми ва қўникмаларини ошириш бўйича жойларда ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

Фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларни дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни кечлаб қўйишга ҳеч қим ҳақли эмас. 2008 йил декабрь ойида амнистия актини қўллаш ваколати судларга ўтказилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу тариха мамлакатимизда амнистия актини қўллаш масаласи, жиноят процесси босқичидан қатъи назар, фақат суд томонидан ҳал этиладиган бўлди. Бу амнистия актини қўллаш жараёнида қонунийлик ва ҳолисликни таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

Маълумки, фарзанд келажак давомчиси, орзу ва мақсадларни рўйбга чиқарувчидир. Шу боисдан ҳам ҳар бир ота-она фарзанини дунёга келиши билан унга чиройли исм беришга интилади. Чунки, инсоннинг исми ва шарифи жамиятга унинг шахсини тасдиқловчи, оилада, авлодлар ўртасида ва турли давраларда бошқалардан фарқлаш имконини яратадиган асосий омил ҳамдир.

**Ў**збекистон Республикасининг амалдаги қонун ва қонуноти ҳужжатларига мувофиқ, фуқаро ўз фамилияси ва номидан, шунингдек отасининг исми билан ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиши ва уларни амалга ошириши, қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда тахаллусдан (тўқилган исмдан) ҳам фойдаланиши мумкин. Бироқ, турли сабабларга қўра, масалан, жангарилиги ёки миллий тўғрилик, муайян ҳаётий шарт-шароитлар тақдоси билан инсон ўз исми ва фамилиясини ўзгартириши мумкин. Мамлакатимиз қонунчилиги бунга йўл қўяди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Оила кодексига асосан фуқаро қонунда белгиланган тартибда ўз исминини ўзгартиришга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги қарори билан тасдиқланган "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш" Қоидаларида белгиланишича, фамилия, исми ва ота исминини ўзгартириш ҳақида-

## Гурур ва фахр белгиси

ри аризалар ариза берувчи 16 ёшга тўлгач, турар жойдаги ФХДЭ органи томонидан кўриб чиқилади.

Умумий қоидага қўра, ФХДЭ органига муайян бир ҳолат юзасидан мурожаат қилинганда, шахс ўз аризасига паспорт ёки паспорт ўринини босувчи шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат олишга қадар фамилияси, исми, ота исминини ўзгартириш ҳақида ариза берса, унда аризага тузилганлик ҳақида гувоҳнома ва тузилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви илова қилиши керак. Бироқ, шахс 16 ёшга тўлгани ҳолда, паспорт ёки паспорт ўринини босувчи шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат олгунга қадар фамилияси, исми, ота исминини ўзгартириш ҳақида ариза берса, унда аризага тузилганлик ҳақида гувоҳнома ва тузилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви илова қилинади.

Амалдаги қонунчилик қуйида назарда тутилган ҳоллардагина ФХДЭ органи фуқароларнинг фамилияси, исми, ота исминини ўзгартириш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиши мумкинлигини белгилайди:

1) "Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига биноан ("Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар, ўз миллатидан қатъи назар, ўз исминини, ота исми ва фамилиясини миллий тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадирлар");

2) агар фамилия, исми ва ота исми эшитилишда ёқимсиз бўлса;

3) агар фамилия, исми ва ота исми миллатига тўғри келмаса;

4) хоҳишга қараб никоҳчага

бўлган фамилияга (никоҳда турган даврида ҳам, никоҳдан ажратилгандан кейин ҳам) қайтишда;

5) оилада бир хил фамилияда бўлиш истаги пайдо бўлганда (агар никоҳ тузиш пайтида эр-хотин умумий фамилияни танламаган бўлса);

6) ФХДЭ органи томонидан узрли деб топилган бошқа асосларга қўра кўриб чиқилади.

Юқорида келтирилган ўзгартириш асосларидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, гарчи бир қарашда шахсининг фамилияси, исми, ота исминини ўзгартириш борасида муайян бир чегараланиш бордек туюлса-да, аксарият ҳолларда масала ижобий ҳал бўлади. Шунингдек, аризаларнинг "ФХДЭ органи томонидан узрли деб топилган бошқа асосларга қўра кўриб чиқилиши" юқорида назарда тутилган асослардан ташқари ҳолатларда ҳам мурожаати узрли бўлса, фамилия, исми, ота исминини ўзгартиришга асос бўлади.

Шахс фамилияси, исми, ота исминини ўзгартириш ҳақида келтирилган асослардан бирига биноан ариза ёзар экан, қуйидаги ҳужжатларни аризасига илова қилиши лозим:

1) ариза берувчининг тузилганлик ҳақидаги гувоҳномаси;

2) агар ариза берувчи никоҳда турган бўлса, у ҳолда никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома, агар никоҳдан ажратилган бўлса — никоҳдан ажралганлик ҳақидаги гувоҳномаси;

**Жамшидхон ЖўРАХОНОВ,**  
2-Тошкент юридик коллежи  
"Фуқаролик ва ҳўжалик ҳуқуқи"  
кафедраси мудири

3) агар ариза берувчининг вояга етмаган болалари бўлса, у ҳолда болаларнинг тузилганлик ҳақидаги гувоҳномалари;

4) ариза берувчининг паспортдан ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатидан кўчирма;

5) агар ариза берувчи вояга етмаган ёки суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса, у ҳолда ота-онасининг ёхуд васий ёки ҳомийнинг аризаси;

6) 1 дон (3 x 4 ўлчамли) фотосурат илова қилинади.

Фамилия, исми, ота исминини ўзгартириш борасида гап кетар экан, мuddатлар масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Чунки, ариза фақатгина ФХДЭ органининг ўзи томонидан ҳам ўрганиб чиқилади. Бунда, ички ишлар бўлими ФХДЭ органи томонидан тақдим қилинган ҳужжатларни 30 кун мобайнида ўрганиб чиқади, ариза берувчининг фамилияси, исми, ота исминини ўзгартириши хусусида асосланган хулоса тузади ва ФХДЭ органига тақдим қилади.

Ички ишлар бўлимининг хулосасини олгандан кейин ФХДЭ органи тақдим этилган ҳужжатлар асосида фамилия, исми, ота исминини ўзгартириш ёки рад қилиш тўғрисида асос-

ланган хулоса тузади. Хулоса асосида тузилганлик тўғрисида, никоҳни қайд этиш ёки никоҳдан ажратилган тўғрисида, болаларнинг тузилганлиги тўғрисидаги далолатнома ёзувлари-га тегишли ўзгартиришлар кiritилади ва янги гувоҳнома берилади.

Шахс фамилияси, исми ва ота исминини ўзгартириш тўғрисида ариза берар экан, ўзaro қонуний никоҳда турган эр ёки хотиндан бирининг фамилиясини ўзгартирилиши иккинчисининг ҳам фамилиясини ўзгартириши, шунингдек ота-оналар ёки улардан бирининг фамилиясини ўзгартирилганлиги уларнинг вояга етган болаларининг фамилиясини ўзгартириши сабаб бўлмамай. Бироқ, ота-оналардан ҳам иккаласининг фамилиясини ўзгартирилиши 16 ёшга тўлмаган болалар фамилиясининг ҳам ўзгартирилишига сабаб бўлади. Агар ота-онадан бири фамилиясини ўзгартирса, уларнинг вояга етмаган болаларининг фамилиясини ўзгартириш масаласи ота-оналарнинг келишувига биноан, бундай келишув бўлмаганда эса васийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади.

Вояга етган болаларнинг ота исми фақат уларнинг аризаларига қўра ўзгартирилади.

Фамилия, исми, ота исминини ўзгартирилган шахс иккинчи марта ФХДЭ органига мазкур масалада бир йил ўтгандан сўнг мурожаат этиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ота-она ўз фарзандига исми ва фамилиясини танлаётганида келажакда фарзанди ўз исми-шарифи билан гурурланиб юришига масъул эканликларини унутмаслиги лозим.

# Соҳа ривожининг янги босқичи



Мамиржон ТЕМИРОВ,  
Жиззах вилоят  
прокурорининг ўринбосари

Мамлакатимизда сўнгги йилларда хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнес ҳамда ишбилармонлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Мазкур меъърий-ҳуқуқий ҳужжатлар тадбиркорлик субъектларининг япи ички маҳсулотдаги улушини янада кўпайтириш, иқтисодимизнинг инвестициявий жозибadorлигини таъминлаш, мулкдорлар ва бизнес вакиллари орасида ишчанлик муҳитини тақомиллаштириш имконини берди. Бугунги кунда мазкур соҳада жами саноят маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилаётганиги, иш билан банд аҳолининг 77 фоиздан ортиғи шу тармоқда меҳнат қилаётганиги бунинг ёрқин мисолидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда бизнес иқлимини янада соғломлаштириш ва уни янги босқичга кўтариш имконини бериши шубҳасиздир. Зеро, фармонда хусусий мулк эгаларининг, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари белгиланган ва айни пайтда уларнинг жавобгарлиги билан боғлиқ талаблар либераллаштирилган, назорат органларининг ижрога нисбатан масъулияти кучайтирилган.

Жумладан, фармонда давлат органлари, назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларга ўз фаолиятида қонун талабларини ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари устуворлиги тамойилининг амалга оширилишини таъминлаш вазифалари юклатилди. Тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асосиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қатъий бажарилишини таъминлаш топширилди.

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарни бевосита айбдорнинг ўзидан ундириш чораларини кўриш зарурлиги ҳам белгилаб берилди. Аниқроқ қилиб айтганда, бу билан тадбиркорлик ва кичик бизнес вакиллари ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг тўғри фаолият юритишлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қатъий бажарилишини таъминлаш топширилди.

Фармонда хусусий мулк ва бизнес субъектларининг ишига маҳаллий давлат бoshқаруви ва назорат органларининг бюрократик тарзда аралашуларининг олдини олиш масаласига жиддий эътибор қаратилди. 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турлари бекор қилинади. Шунингдек, юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари юзасидан ўтказиладиган текширишлар ҳам тартибга солинади. Фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши-

нинг қарорига мувофиқ қисқа муддатли текширувлар ўтказилиши мумкин.

Фармонга мувофиқ, эндиликда назорат қилувчи органлар режадан ташқари текшириш ўтказиш ҳуқуқига эга эмас. Юқорида таъкидлаганимиздек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмларини таъминлаш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида қисқа муддатли текширишлар ўтказишнинг чекланган имконияти сақланиб қолади. Бундай текширишлар муддати бир иш кунидан ошмаслиги керак. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг ҳам барча турлари бекор қилинади.

Тадбиркорлик ва бизнес субъектларининг жавобгарлиги билан боғлиқ тартибларни ҳам эркинлаштириш кўзда тутилмоқда. Молия-ҳўжалик фаолиятини юритишда биринчи марта ҳуқуқбузарликка йўл қўйган тадбиркорлар ва тадбиркорлик субъектларининг вакиллари ҳуқуқбузарлик ҳолатларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда ихтиёрий равишда бартараф этган бўлса ёки етказилган зарарни тўлиқ қопласа, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, турли молиявий ва жарима санкцияларидан озод этилади.

Шунингдек, биринчи марта қонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб, бир ой мобайнида етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қопласа ёки давлат рўйхатидан ўтиш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни расмийлаштириб, тадбиркорлик субъекти ҳуқуқига эга бўлса, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

Фармондаги яна бир муҳим жиҳат — хусусий мулк эгаларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўлланилмайди.

Жавобгарликни либераллаштириш соҳасидаги бу янгиликлар пировард мақсадда бизнес субъектларининг самарали иш юритишлари, йўл қўйилган камчиликларни ўз вақтида англаб, уни тўзатиш чораларини кўрган ишбилармонларни фаол қўллаб-қувватлаш учун хизмат қилади. Шу муносабат билан фармонда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Солиқ кодекси ва бошқа қонунлар ҳамда қонуности ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Фармон тадбиркорлик субъектларининг манфаатлари дахлсизлигини

таъминлаш, уларнинг эркин фаолият юришлари учун кенг имкониятлар яратиш соҳасидаги ривожланган давлатларнинг энг илғор тажрибаларини ўзида ифода этади. Масалан, унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш масаласи тавсия этилмоқда. Мазкур институт тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уларни ҳимоя қилишни таъминлаш, маҳаллий ҳокимият ва бошқа давлат органлари билан муносабатларда уларнинг манфаатларини ифода этишда парламент назоратининг энг муҳим шакли ҳисобланади.

Зеро, мазкур институтнинг вазифалари кўлами жуда кенг бўлиб, у тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этади, тадбиркорлик субъектларининг фаолияти текширилаётганда уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлайди, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари ва талабларининг амалда рўёбга чиқарилаётганлигини ўрганади, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишига таъсири самарадорлигини баҳолаб боради, давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади.

Тадбиркорликни ва бизнесни ривожлантириш, мамлакатга хориз инвестициясини кенг жалб қилиш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш соҳасидаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда парламент аъзоларининг масъулиятини кучайтиради. Бинобарин, хориз тажрибаси тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришда, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишда вакил институтига ва парламент назоратини ташкил этиш ижобий самара беришини тасдиқлаган.

Энг муҳими, мамлакат иқтисодиётига хоризий инвесторларни жалб қилиш мақсадида чет эл инвестициялари иштирокидаги янгида ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналари беш йил мобайнида улар рўйхатдан ўтказилган санда амалда бўлган солиқ ставкалари ва бошқа мажбурий тўловларини қўллаш ҳуқуқи берилди. Бу имтиёз инвестиция сифатида киритилган маблағлар миқдоридан қатъи назар, хоризий инвесторлар иштирокидаги барча корхоналарга татбиқ этилади.

Фармонда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига мутасадди республика ҳуқуқ-тартибот органлари билан биргаликда икки ой муддатда фуқаролар ва тадбиркорларнинг давлат органларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга, республиканинг инвестициявий жозибadorлигини оширишга, коррупциянинг олдини олиш ва профилактика қилишга қаратилган "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги Қонун лойиҳасини тайёрлаш топширилди. Шунингдек, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларига тад-

биркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ нормаларни янада либераллаштириш бўйича, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашга, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асосиз аралашшга, уларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилишига йўл қўймасликка қаратилган, қўзғатилган жиноят ишлари бўйича молия-ҳўжалик фаолиятини текширувларни тайинлаш, ўтказиш ва уларнинг муддатини узайтиришнинг аниқ процессуал тартибини назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан тақлифлар бериш топширилди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, фармон талабларини амалда рўёбга чиқариш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, хусусий мулкчиликни ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаш борасида бешта энг устувор соҳа бўйича 42 та аниқ чора-тадбир амалга оширилишини назарда тутувчи Комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Дастур доирасида умумий эътироф этилган халқаро стандартлар асосида "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида", "Давлат харидлари тўғрисида", "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор янги Қонунларни қабул қилиш назарда тутилмоқда. Шунингдек, жиноят ишлари бўйича текширишларни тайинлаш ва ўтказиш тартибининг аниқ ҳуқуқий тартиботини белгилаш учун "Ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонунга, Жиноят-процессуал кодексига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади.

Дастур асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ жиноят қонунчилиги нормаларини янада эркинлаштириш, жиноят содир этилиши натижасида етказилган зарарни аниқлашнинг, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашушларнинг ягона мезонлари ва асосларини белгилаш тўғрисида тақлифлар ишлаб чиқилади. Тадбиркорлик субъектларига ва уларнинг ходимларига маъмурий жазоларни қўллаш борасидаги вазифалар ва ваколатларни босқичма-босқич суд органларига ўтказиш йўли билан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилишни кучайтириш чоралари режалаштирилган. Бу чоралар шубҳасиз, тадбиркорлик субъектларини текширган назорат қилувчи орган томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни мустақил кўриб чиқиш ва бу орқали маъмурий ишларни кўриб чиқишдаги бетарафлик ва холисликка таъсир кўрсатувчи амалиётни бартараф этади.

Комплекс чора-тадбирлар дастурида солиққа тортиш тизими, божона хизмати соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, хоризий инвесторларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга бўйсундирилди. Ҳўжалик судлари тизимида суд мажлисларини ўтказишда ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан кенг фойдаланиш ҳам назарда тутилмоқда.

Умуман, мазкур Фармон мамлакат иқтисодиётини юксалтиришдаги сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб бериши, шубҳасиз, Зеро, унинг ижросини таъминлаш, фармон доирасида белгиланган Комплекс чора-тадбирлар дастурини изчиллик билан амалга ошириш мамлакатнинг инвестициявий жозибadorлигини, тадбиркорлик ва бизнес субъектларининг қонуний манфаатлари дахлсизлигини таъминлайди, уларнинг ишлаб чиқаришдаги иштирокини янада кенгайтиради.



Бу фожиа Шахрисабз туманидаги Янги ҳаёт қишлоғида юз берган эди. Хунрезлик оқибатида ўшанда икки инсон ҳаётдан бевақт кўз юмди. Кунлар, ойлар ўтди. Бироқ умри ҳазон бўлган инсонларнинг гам-андуҳи ҳануз унутилгани йўқ. Етим қолган фарзандлар қалбида ўкинч ва алам, кимлардир пушаймонлик, афсус ва наомаёт оловида ўртанади. Ўшанда уларда озгина бошиқлик, мулоҳазакорлик бўлганда эди, ҳаммаси рисоладагидек бўларди. Жиноятнинг олди олинарди. Бир йилгит қотилликка қўл уриб, икки инсон ҳаётдан бевақт кўз юммас эди...

## ВАҲШИЙЛИК

### ёқуд қариндошлик ришталарини қирққан жоҳиллар

Равшан ХУРРАМОВ,

Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

Носир (исм-фамилиялар ўзгартирилган) уйидаги кундалик юмушлари билан банд эди. Акиси Нарзулла қўнғирок қилгач, ошхонага отилди. "Ярамаслар, бугун барчасига чек қўяман! Қонингни ичиб, ўчимни оламан!", — дея ошхона тоқчасида турган иккита пичоқни олди-да, кўчага югурди. Йўл-йўлакай акасига қўнғирок қилиб, қаерда эканлигини сўради. Нарзулла укасига шифононадан қайтаётганлигини айтди.

— Сафар уйидагилар билан бостириб келди, — деди Нарзулла укасини кўргач. — Қўлларида пичоқ, болталари бор эди.

Аслида Сафар уларга бегона эмас эди. Қариндошлар ўртасидаги ўзаро адоват оқибатида бунгача ҳам бир неча марта жанжал бўлган, Носир барчасидан хабардор эди. Шу сабабли акасининг гапига ишонди. Можаронинг сабабини ҳам суриштирмай, акасининг ёнини олиб, ўч олишга шошилди. Ака-ука "босқинчилар" ортидан бориб, уларни гузардаги сартарошхона олдига учратишди.

Қариндошлар Сафар, Фазлиддин, Умрбек, Жасур, Шавкат ва Моҳир сартарошхона олдига тўпналиб туришганди. Томонларнинг ҳеч бирида муросага хоҳиш йўқлиги боис, дарҳол муштарини ишга солишди. Хар ким қўлига илинган нарсани билан бир-бирига хужумга ўтди. Кўп ўтмай жангари фильмлардаги сингари аёвсиз муштлашув бошланди.

Носир қўлидаги пичоқни ўйнатиб, рақиблирига ҳамла қила бошлади. Дастлаб Сафар тигга рўбарў келди. Носир унинг дуч келган жойига пичоқ санчиб, кейин Фазлиддин ва Умрбекни нишонга олди. Қўлаб вазиёт топиб, Фазлиддиннинг қорнига пичоқ урди.

Укаси каби қаҳру ғазабга тўлган Нарзулла эса қўлидаги темир бўлаги билан қонига беланиб ётган Сафарнинг оёғига урди. Шу пайт кимдир унинг қўлига ёпишди.

— Боламини урма, ўлдириб қўясан! — Нарзулла ўғирлиб, Сафарнинг онасини кўрди. Аёл ҳар қанча уринмасин, кутуриб кетган ака-укаларга бас кела олмади. Ўғлини базур тўдадан айириб, четга олиб чиқди. Бу вақтда турмуш ўртоғи Шербобо Боқиев ҳам етиб келди.

Носир бошига берилган зарбадан бироз хушини йўқотгандек бўлди. Бироқ тезда ўзини қўлга олиб, жанжални тўхтатишга уринаётган Шербобо Боқиевнинг кўксига пичоқ санчди. Бу билан барчасига нуқта қўйгандек бўлди.

...Жабрланганлар шифононага ётқизилди. Олиб борилган тезкор муолажаларга қарамай Шербобо ва Фазлиддин Боқиевлар ҳаётдан кўз юмишди.

Халқимиз азалдан қариндош-уруғчиликни ўрнига қўя оладиган, меҳр-оқибатни қадрлайдиган халқ ҳисобланади. Аслида, қариндошлик ришталарини мустаҳкамлашда оила катталари алоҳида ўрин тутади. Уларнинг ўзаро ҳурмат-иззатини кўриб, ўсиб келаётган ёшлар ҳам бир-бирларига меҳр-оқибатда бўлишни ўрганадилар. Бироқ бугунги кунда арзиманган масалалар устидан гап талашиб, қирпичоқ бўлаётган қариндошларнинг учраб туриши асрий қадриятларимизга соя солмоқда. Энг ёмони, можароларнинг оқибати юқоридаги каби фожиали яқун топиши барчамизни ҳушёрликка чорламоғи лозим.

Носир Шарапов ота-боболаримиз эъзозлаб келган миллий қадриятларни қадрлаганида, айна пайтда пушаймонликда бўлмас эди. У тергов жараёнида айбига иқдор бўлди. Афсуски, бу пушаймонлик, афсус-надомат у ўлимга сабабчи бўлган икки инсонни ҳаётга қайтара олмади...

Жиноят ишлари бўйича вилоят суди томонидан Носир Шараповга узил-кесил ўташ учун 22 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Нарзулла Шарапов ҳам суд ҳукмига кўра тегишли жазосини олди.

## Ғазаб отига миниб

Жаҳл келганда ақл кетади, дейди халқимиз. Дарҳақиқат, айрим инсонлар жаҳл отига минганда ўзини ирода қила олмаслик оқибатида оғир жиноятга қўл урадилар.

Абдулла ЖУМАНИЯЗОВ,  
Хоразм вилоят прокурорининг  
катта ёрдамчиси

Сардор Азимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) йигирма саккиз ёшда. Икки фарзанднинг отаси. Уйламай қилган хатти-ҳаракатлари уни суднинг қора курсиси томон етаклади.

Ўтган йилнинг ёз ойи. Сардор турмуш ўртоғи билан томорқа ерига йўл олди. Қараса, М.Атажановнинг қорамоллари унинг шולי экилган ерида юрибди. Шу сабаб улар ўртасида келишмовчилик келиб чиқди. Бир-бирларини етарлича ҳақорат қилишгач, алами босилмаган С.Азимов кучига эрк берди. Қўлидаги балик овлайдиган санчкини М.Атажановга бир-икки бор санчиб, дастаги билан ура кетди. М.Атажанов зўрга қочиб кутулди. Гарчи даво муолажалари олишига тўғри келса-да, у бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга хабар бермади.

Орадан бир йил ўтди. Шу йил баҳор ойи охирида С.Азимов томорқа еридан хабар олиш учун бораётганида М.Атажановнинг турмуш ўртоғи О.Дурдиевани учратиб қолди. Бу пайтда Сардорнинг ёнида огайини Р.Саидов ҳам бор эди.

— Бу моллар кимники? — сўради О.Дурдиева.

— Меники, — жавоб қайтарди Сардор.

— Сендан сўраганим йўқ, — Ойгул опа шундай дед Сардорни куракда турмайдиган

сўзлар билан ҳақорат қила бошлади.

— Кетинг бу ердан, — деди С.Азимов.

Аёл эса уни ҳақоратлашда давом этди. Қизикқон йилгит ғазаб отига минди. Қўлидаги белкуррак билан аёлнинг бошига урди. Ойгул опа хушидан кетиб йиқилди. Сардор ўзини ирода қилолмай қолди. Бехуш аёлни уришда давом этди... Р.Саидов қўрққанидан воқеа жойидан қочиб кетди.

Нима қилиб қўйганини англаб етган Сардор белкурраки қилади. Ойгул опанинг уяли телефонини четга улоқтириб юборди. Уйига қайтиб, бир пилла сув ичди ва ички ишлар бўлимига кетди.

Кўпни кўрганлар "Жаҳлинг чиқиб турган пайтда, қарор қабул қилма" дея кўп насиҳат қилади. Зеро, жаҳл ақлни емиради. Нотўғри фикрга ва ножоиз ишларга бошлайди. Бунни юқоридаги фожиа мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Сардор ўзини ирода қила олганида қўлини қонга беламаган, пешонасига "қотил" деган тамга босилмаган бўларди. Р.Саидов воқеа жойидан қочиб кетмаганида, Сардорнинг йўлини тўсганида, ушбу жиноятнинг олди олинариди? Саволлар бисёр. Бу каби қотилликлар, жиноятлар қайта тақоррланишига йўл қўймаслик учун уларга жавоб қайтаришимиз лозим.

## «Ҳожатбарор»

Ойбек ҚОСИМОВ,

Когон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси

Орзигулнинг юрагига (исм-фамилиялар ўзгартирилган) чироқ ёқсанг "йил" этмайди. Ўзига тўқ палатадошига қараб туриб, ҳаваси келди. Шифокорлар боласи учун ёзиб бераётган дориларни олаяпти. У-чи?! Дераза олдига бориб хаёлга толиди. Сўнг чўлгай ёнаётган қизалоғига қараб, беихтиёр гапириб юборди.

— Дориларни олай десам...

— Пулингиз бўлмаса, мен бериб тураман. Бир танишимизнинг пластик карточкаси қўлимда. Ҳозирча ишлатинг. Болангиз тузалсин, кейин бир гап бўлар, — дея палатадоши Розия опа унга ҳамдард бўлди.

Орзигул пластик карточкадан фойдаланиб, аптекадан 212 минг сўмга боласи учун дори-дармон харид қилди. Бир палатада ётган икки аёл қардон бўлиб қолишди. Дардлашиб, сирлашадиган бўлишди...

Шундай кунларнинг бирида Розия опа Орзигулга ёрлиди:

— Акангизга иш излаяпмиз. Биласиз, рўзгор, бола-чака... Эракк киши ишламаса бўлмайди.

— Мен танишларим орқали 15 кунлик "вахта"га ишга қўйишим мумкин. Фақат бироз харажати бор.

— Қанча экан? — сўради Розия умид учқунини кўргандек.

— Уч миллион сўм, — бу сўзлар тилидан чиқётганида Орзигул панагини ҳам бузмади.

— Бунақа пул қаерда дейсиз.

Болалари тўзалиб уйга қайтишаётганида ҳам

Розия Орзигулга олган қарзи ҳўлақда бир неча марта эслатди. Ундан кейин ҳам сўраб-суриштирди. Бироқ Орзигул пулни қайтара олмади. Бу орада пластик карточка эгаси "ишлатилган пулни беринг", деб кела бошлади. Розия бўлган воқеани айтиб берган эди. Акмал ҳам яхши машоли ишдан умидвор бўлди.

— Майли, харажати

бўлса ҳам мени ишга қўйсин.

Розия палатадошига қўнғирок қилиб, ишга жойлаштириш масаласини гаплашди.

— Қоровулбозор "Сувоқова" идорасига қоровулликка бўладими?

— Бўлади.

— 2 миллион сўм.

— Бир ярим миллионга рози бўлинг, имкониятимиз шунга етмай, — дея Розия оилавий ҳолатини тушунтирди.

— Келишдик, меҳнат дафтарчаси, "пенсионний книжка"ни олиб келасиз...

Келишувга бироян 2016 йил 24 февраль куни "Сувоқова" идораси олдига миждозини кутиб олган Орзигул Раҳмонова гўё шу идорада назоратчи бўлиб ишлашини, тоғаси бошлик эканлигини айтиб, Акмал Хайдаровдан 1 миллион сўмини санаб олиб, очик эшикка кириб чиқди.

— Ишингиз битди. 1 мартдан ишга чиқасиз. Қолган 500 минг сўмни ҳам етказасиз.

— Гап йўқ. Асосийси, ишлик бўлдим, — деди қувончини яширолмади А.Хайдаров.

Орадан икки-уч кун ўтиб, Орзигул билан учрашган Розия яна 500 минг сўмини унинг қўлига тутқазди.

1 март. Акмал Қоровулбозор тумани "Сувоқова" идораси олдига келиб бироз тин олгач, ичкарига кирди-ю, кўп ўтмай у ердан шумшайиб чиқди. "Наҳотки, шундай самимий кўринган аёл алдаган бўлса"...

Ҳа, Орзигул Раҳмонова бу йўлни ўзи танлаган эди. Жиноят ишлари бўйича Когон шаҳар суди томонидан чиқарилган ҳукмига биноян унга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорда жарима жазоси тайинланди. Шунингдек, Акмал Хайдаровдан олган 1 миллион 500 минг сўм пул давлат фойдасига ўтказилди.



Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни йўлга қўйиш ниятидаги фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бу соҳага кенг имконият ва шарт-шароитлар яратиш бериш борасида изчила соҳаётлар олиб боришмоқда. Шу мақсадда қабул қилинган қонун, қарор ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар соҳа вакиллари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаётди.

## Қонунга чап бериб...

Саидбек САИДҚОСИМОВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚ департаменти бўлим катта тафтишчиси

**Х**усусан, хорижий инвестициялар ва улар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Бундан кўзланган асосий мақсад давлатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига кўмак бериш, бунинг учун чет давлатларнинг молиявий, моддий, интеллектуал ресурсларини, замонавий хорижий технологияларни ва бошқарув тажрибасини жалб этиш, улардан оқилона фойдаланиш ва янги иш ўринлари яратиш орқали аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтиришдан иборатдир.

Шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, ҳалол бизнес юритаётган юрдошларимизнинг топганида барака, кўнглида хотиржамлик. Бироқ яратилган шарт-шароитдан фақат ўзининг нафсинигина ўйлаб фойдаланувчи соҳа тадбиркорларнинг қилмишлари жазосиз қолаётгани йўқ. Ана шундай йўл билан манфаат кўраман деган Азамат Темиров ва Азим Акбаровлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қинғир ишлари учун жазога маҳкум бўлишди.

Туркиядаги ширкатлардан бири билан алоқани йўлга қўйиб, МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонасини ташкил қилган А.Темиров аввалига ўзи директорлик лавозимини фаолият олиб борди. Кейинчалик МЧЖга А.Акабаровни директор сифатида тайинлаб, ўзаро келишган ҳолда бир қанча қинғир ишларга қўл уришди. Жумладан, чет эл ширкати билан ташкилотнинг балансида бўлган 8 та автомобиль ва ярим тиркачаларни ижарага бериш борасида шартнома тузиб, белгиланган қонун-қоидаларга зид ҳаракатларни амалга оширишди. Қонунийликка асосан шартнома нотариал идора орқали тасдиқланиб, ижарага олувчи ширкат номига халқаро юк ташиниш амалга ошириш учун ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикасининг тегишли ташкилотларидан лицензия олиниши лозим. Аммо Азамат Темиров ўз билганича иш тутди. Натижада 2011 йилдан 2012 йилнинг 1 августига қадар ижарага олинган автотранспорт воситаларида лицензиясиз 26 та экспорт, 17 та импорт ва 39 та транзит қатнов амалга оширилган.

Бундан ташқари, икки раҳбарнинг совуққонлиги сабаб ижара ҳақлари ўз вақтида ундирилиши таъминланмади. Шунингдек, ижара учун ҳисоб рақамларига келиб тушган чет эл валютасининг 50 фоизини вақолат берилган банкларга мажбурий сотиш ўрнига, пулни чўнтакка уриб қолиш пайда бўлишди. Калта ўйлаб, қонуний менсимаслик қимматга тушишни суднинг қора курсисига ўтирганида тушуниб етган "шоввоз" ларнинг пушаймонлигидан энди наф йўқ. Суд ҳукми билан Азамат Темиров ва Азим Акбаровлар 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Истиқлол йилларида кичик бизнес мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим бўлишига айланади. Дарҳақиқат, юртимизда тадбиркорликнинг барча турлари билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларга кенг йўл очиб беришмоқда. Қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, ҳуқуқий имтиёзлар бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бу оқилона саноат-ҳаракатнинг бир қўрнинишидир. Мазкур имкониятлардан кенг фойдаланаётган соҳа вакиллари давлатимизнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

**А**фсуски, бу имтиёزلардан ноқонуний йўллар билан фойдаланиш эвазига мўмай даромад топишга уринаётган кўштирноқ ичидаги тадбиркорлар ҳам йўқ эмас.

Қонунга хилоф равишда алкоғолли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш билан боғлиқ

## Фирром бизнес

ҳуқуқбузарликларнинг шаклланиши ижтимоий-иқтисодий мезонларни издан чиқарувчи омилардан бири ҳисобланади.

Бироқ яширин равишда қўлбола ароқ маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзига касб қилиб олганлар оз бўлсада, учраб турибди.

Хусусан, департаментнинг Андижон вилоят бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида ана шундай ноқонуний фаолиятнинг олди олинди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ўтказилган тезкор тадбирлар фуқаролар Шерзод Хамидов, Наргиза Кутибоева ва Дамир Юнусовлар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) яширин цех ташкил қилиб, истеъмолчилар ҳаёти ва соғлиги талабларига жавоб бермайдиган алкоғолли маҳсулот-

Олим НИЗОМОВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги  
СВОЖДЛҚ департаменти  
бўлим катта инспектори

ларни ишлаб чиқараётганликларини аниқланди.

Улардан жами 7,7 млн. сўмлик жиҳозлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Ўз манфаатини ўйлаган бу фуқаролар устидан жиноят иши қўзғатилиб, ноқонуний хатти-ҳаракатига чек қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорликнинг қонуний турлари кўп. Улардан келадиган фойда ҳам кам эмас. Шундай экан, ноқонуний даромадни деб юрт иқтисодиётига, эл саломатлигига зарар етказиш ҳолатларининг олдини олиш муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

## Ривожланиш омили

Жаббар КОБИЛОВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги  
СВОЖДЛҚ департаменти бўлим бошлиғи

Мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга доимо эътибор қаратиб келинмоқда.

Кейинги йилларда қатор нор-матив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, уларда тадбиркорликнинг ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга турли энгилликлар ва преференциялар бериш каби назарда тутилган.

**Х**усусан, ушбу ҳужжатларда кўрсатилганидек, тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўқсизлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтайтиб қўйилган учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилиши, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига етказилган зарарини бевосита айбдорлардан ундириш каби чораларнинг амалда қўлланилиши ноқонуний харажатлар олдини олишнинг муҳим шартини ҳисобланади.

Жорий йилнинг ўтган даврида департамент органлари томонидан тадбиркорларнинг фаолиятига асоссиз арала-

шишларнинг олдини олиш, мансабдор шахслар томонидан содир этилаётган коррупция ҳолатларини аниқлашга қаратилган тадбирлар натижасида қўллаб қонунбузарликлар фож этилди.

Қонунларга итоат этмаган ва уларни писанд қилмаган мансабдорларга нисбатан кескин чоралар қўрилиб, 438 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилган. Биргина мисол, департаментнинг Хонқа туман бўлими ва МХХ ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда "Ўздаверлоийха" институти Хоразм бўлими ходими Рустам Хўжаназаров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) фермер хўжалиги раҳбари Шодиёр Нариевдан хўжаликнинг ер майдонларини ўлчаш натижалари бўйича ортиқча чиққан 1,5 гектар ер майдонини ҳужжатларда расмийлаштирмамаслик эвазига 1,5 млн. сўмини пора тариқасида олган вақтида ушланган. Мазкур ҳолат юзасидан қонунбузарга нисбатан суд томонидан тегишли жазо тайинланган.

## Тамагир

Неъмат НАИМОВ,

СВОЖДЛҚ департаментининг  
Фаллаорол туман бўлими бошлиғи

Ҳаётимиз фаровонлигини электр энергияси ёки табиий газсиз тасаввур қилиш қийин. Олдий рўзгор юмушдан тортиб, улкан машина ва дастгоҳларгача ушбу табиий неъматлар кучидан фойдаланишига ҳеч қандай изох бўлмас керак. Инсон тафаккурининг бундай қудратли бойлиги, беқийс маҳсулидан оқилона фойдаланиш ва бу борадаги ҳар бир ишни, хусусан, сарф-харажат ва ҳисоб-китоб ишларини аниқ-пухта амалга ошириш талаб этилади.

**Р**еспубликамизда истеъмолчиларга етказиб берилаётган электр энергияси учун тўловлар ундирилишига доир чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Унинг ижроси долзарб бўлиб турган бир вақтда жойлардаги соҳа ходимлари орасида қарздорликни ундириш ўрнига истеъмолчилардан тамагирлик йўли билан пул талаб қилишга уриниш ҳолатларининг урчаш ачинарли ҳолдир.

Фаллаорол туманида яшовчи фуқаро А.Исмаилов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Бош прокуратуранинг 1007 ишонч телефони орқали мурожаат қилиб, электр ҳисоблагичларни алмаштириб, тўловларни амалга оширганга қарамай, асоссиз равишда қарздорлик ҳисобланганлигини, ушбу қарздорликни ҳал этиш учун пул талаб қилинаётганлигини билдирган.

СВОЖДЛҚ департаментининг Фаллаорол туман бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Фаллаорол туман электр тармоқлари корхонаси ходими Ш.Мардонов А.Исмаиловдан электр энергиядан бўлган қарзини йўқ қилиб бериш эвазига 200 минг сўмини олган вақтда ушланди.

Мазкур ҳолат бўйича Ш.Мардоновга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

Маълумки, абитуриентларнинг олий ўқув юртига ўқишга киришлари учун тест синовлари жорий этилган. Бу адолат мезони йигит-қизларнинг сабоҳиятини аниқлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Табиийки, бу синовларда йилдан-йилга рақобат муҳити шаклланиб, олий ўқув юрталари оstonасига қадам қўётган ёшларимиздан муносиблари ичра муносиблари танлаб олинмоқда.

## Нияти амалга ошмади

Шерали МАХМУДОВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚ  
департаментининг матбуот хизмати катта инспектори

**Ш**ундан бўлса керак, аксарият абитуриентлар турли ўқув марказларидаги курсларга қатнаб, малялаки устоз ва мураббийлар кўмаги билан билмишларини янада мустаҳкамлашади.


Фуқаро Ф.Жуманиязов ҳам олий ўқув юртларига ўқишга кириш учун имтиҳонларга тайёрланиш мақсадида репетитор қидириб юрганида Мастура Қабулова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) билан танишиб қолди. Мастура ҳам олий ўқув юртига ўқишга кириш учун тайёрланиш шарт эмаслигини, пули бўлса Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Миллий университети танишлари орқали киритиб қўйишни айтди. Гап орасида хизмат ҳақи 6000 АҚШ доллари бўлишини ҳам қистириб ўтди.

Бироқ қонунни яхши тушунган Ф.Жуманиязов Мастуранинг ҳаракатлари ноқонуний эканлигини билиб, бу ҳақда тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ариза билан мурожаат қилди.

Аризага асосан ўтказилган тезкор тадбирда Мастура Ф.Жуманиязовдан 6000 АҚШ долларини олган вақтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланди.

Мастура ёши 30 га тўлмай туриб, фириб йўлига кирди. Қилмиш-қидириш, деганлиддек, у қонун олдида жавоб берди.

## ЖЧда тўртта медал қўлга киритилди



Жорий йилнинг 17-26 ноябрь кунлари Санкт-Петербург шаҳрида ёшлар ўртасида бокс бўйича V жаҳон чемпионати (AIBA Youth World Boxing Championships) бўлиб ўтди. Мусобақа доирасида 63 та мамлакатдан 351 нафар спортчи иштирок этди.

Турнирда 10 нафар боксчи билан иштирок этган Ўзбекистон терма жамоаси битта кумуш ва учта бронза медалини қўлга киритиб, миллий термалар умумий рўйхатида 11-ўринни банд этди. Кучли учликдан эса Куба, АҚШ ва Қозоғистон терма жамоалари жой олди. Медаллар сони бўйича Ўзбекистон санаб ўтилган давлатлар қаторида мусобақанинг энг яхши терма жамоасига айланди.


Ўсмирлар ўртасида 2015 йилги жаҳон чемпионати бронза медални соҳиби Шунқор Абдурашулов 56 кг. гача вазн тоифасида ярим финал баҳсида америкалик Марк Кастрога қарши жанг олиб борди. 18 ёшли ўзбекистонлик боксчи яхши жанг ўтказганига қарамадан, шу куни рақиби ундан кучлилик қилди.

Ўсмирлар ўртасида Осиё вице-чемпиони Отабек Холматов 52 кг. гача вазн тоифасида рингга кутарилиб, ярим финалга қадар етиб келди ва Япония вакили Хаято Цуцуми билан учрашди. Ҳамюртимиз япон боксчисига имкониятни бой берди.

Ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати кумуш медални совриндори Шохруз Раҳимов (91 кг. гача) эса россиялик Владимир Узунянга қарши жангга тушиб, мағлубиятга учради ва бронза медалига сазовор бўлди.

Ўсмирлар ўртасида амалдаги жаҳон ва Осиё чемпиони Билалбек Мирзараҳимов (60 кг. гача) ярим финалда туркиялик Нежат Экинжини мағлубиятга учратиб, "олтин" учун америкалик Жонсон Деланте билан учрашди. Мирзараҳимов тажовузкор, тезкор жанг кўрсатиб, кўпроқ зарба берган бўлса-да, кутилмаганда голиблик Деланте ҳисобига ёзилди.

## «Интер» Санчес учун курашади



Миланнинг "Интер" клуби Лондоннинг "Арсенал" жамоаси ҳужумчиси Алексис Санчесни ўз сафига қўшиб олишга ҳаракат қилиб кўради.

Алексиснинг "Арсенал" клуби билан янги шартнома борасида келиша олмаганидан "Интер" жамоаси унумли фойдаланиб қолмоқчи ва бунинг учун катта миқдорда пул ҳам тайёрлаб қўйган.

Клубнинг осийлик ҳужайинлари трансферлар вақтида 150 млн. евро ажратишни режалаштирган.

Санчесга бундан ташқари, "Манчестер Сити" жамоаси ҳам жиддий қизиқиш билдирмоқда.

Эслатиб ўтаамиз, Алексис бу мавсум АПЛда 13 та учрашув ўтказиб, 8 та гол ва 4 та голли узатмага муаллифлик қилган.

## Прокуратуранинг талаби

Туркиянинг "Антальяспор" клуби ҳужумчиси Самуэль Это'Онинг ўтишида содир қилган қилмишлари ошқор бўлиб қолди.

Эндиликда у "Барселона" жамоасида ўйнаган пайтида 3,5 млн. евро миқдорда солиқ тўламаганликда айбланмоқда. Уша вақтда "Puma" фирмаси Это'Ога йилга 1,5 млн.дан 3 млн. еврогача пул ўтказиб берган. Футболчи бу маблағлардан солиқ тўламаган.

Испания прокуратураси камерунлик футболчининг 10 йил қамок ҳазосига ҳукм этилишини ва 14 млн. евро жарима тўлашини талаб қилмоқда.



## Милан клубларининг «нишони»

Англиянинг "Ливерпуль" клуби ҳимоячиси Мамаду Сако фаолиятини Италияда давом эттириши мумкин. Футболчи "Интер" ва "Милан" қизиқишлари доирасида.

Жорий мавсумда Сако АПЛ учрашуваридида майдонга тушмади ва клуб раҳбарияти футболчининг бошқа жамоага ўтишига тўсқинлик қилмайди. Милан клубларига "Вест Бромвич" рақиб бўлиши мумкин. Учала клуб ҳам Сакони ижарага олмақчи, 26 ёшли ҳимоячи "Ливерпуль"да 2013 йилдан бери ўйнайди. Унинг амалдаги шартномаси 2020 йилда якунланади.




## Стивен Жеррард футболдан кетди

Англиялик машҳур футболчи Стивен Жеррард бутсаларини михта олишга қарор қилди.

36 ёшли ярим ҳимоячи фаолияти давомида иккита клубда ўйнади. "Ливерпуль" академияси тарбиясини олган Жеррард 1998-2015 йилларда айнан шу клубда фаолият олиб борди. 2015-2016 йилги мавсумни АҚШнинг "Лос Анжелес Гэлекси" клубида ўтказди.

Жеррард Англия терма жамоаси сафида 114 та ўйин ўтказиб, 21 та гол урди. У фаолияти давомида 2 марта Англия кубоги, 3 марта Англия лига кубоги, 1 марта Англия Суперкубоги, 1 марта УЕФА Чемпионлар лигаси, 1 марта УЕФА кубоги, 1 марта УЕФА Суперкубоги соҳиби бўлган.

## Фаолиятини яқунламоқчи, ЛЕКИН ЙИЛИГА 5,5 МИЛЛИОНЛИК ТАКЛИФ БОР



"Манчестер Юнайтед" клуби мураббийлигига Жозе Моуриньо келгач, жамоадан кетишга мажбур бўлаётган германиялик футболчи Бастиан Швайнштайгер бутсаларини михта олиш борасида бош қотирётган кўринади. Бу ҳақда унинг собиқ жамоаси бўлимиш "Бавария" клуби президенти Ули Хенесс Швайнштайгер фаолиятини яқунламоқчи эканлигига ишора қилмоқда.

"Мендаги маълумотларга қараганда, Бастиан Швайнштайгер футболчиллик фаолиятини яқунламоқчи", — дейди Хенесс.

Эслатиб ўтаамиз, Швайнштайгер "Манчестер Юнайтед"дан олдин "Бавария"да ўйнаган ва Хенесс билан муносабатлари аъло даражада.

Ўз навбатида, "Манчестер Юнайтед" клуби ярим ҳимоячиси Бастиан Швайнштайгер MLSга ўтиши мумкин, дея хабар бермоқда Sportingnews нашри. 32 ёшли германиялик футболчига "Чикаго" клуби қизиқмоқда.

Аввалроқ футболчи "Чикаго" клуби бош мураббийи Велько Паунович билан музокара олиб боргани ҳақида хабар берилган эди. АҚШ клуби йилига 5,5 миллион долларлик маош билан уч йиллик шартнома таклиф қилишга тайёр.

## Собиқ клубини ҳув туширмоқчи бўлган

Англиянинг "Вест Бромвич" клуби бош мураббийи Тони Пьюлис суд қароридан сўнг ўзининг собиқ жамоаси "Кристал Пэлс"га 3,7 миллион фунт тўлашга мажбур бўлди.

"Кристал Пэлс" клуби 2014 йилда уэльслик 58 ёшли мутахассисга агар у жамоани премьер-лигада олиб қолса ва 31 августгача ишлаб турса, 2 миллион фунт стерлинг миқдоридида мукофот ваъда қилган.

Пьюлис "бургутлар"ни лигада олиб қолди, аммо 14 август кун истейфо берган. Мутахассис "Кристал Пэлс" жамоаси билан хайрлашишдан икки кун аввал ваъда қилинган мукофотни олган.

Лондон клубдагиларнинг фикрича, Пьюлис ўз фарзандларига ер сотиб олиш учун клубдан мuddатидан олдинроқ пулни олган ва алдаган. Судда Пьюлис алдагани ва ер сотиб олмагани исботланди.

Интернет хабарлари асосида Максудали ҚАМБАРОВ тайёрлади

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛКК департаменти жамоаси департаментнинг Сурхондарё вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи

**Баҳодир ИРБАЕВИНГ**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

# Саломатлик ва гўзаллик омили

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш юзасидан амалга оширилган ишлар ёшларимизни жисмонан соғлом, маънан етук қилиб тарбиялашга хизмат қилмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, болалар ва ўсмирларни спортга жалб қилиш нафақат уларни чиништириб, турли касалликларга чалинишларининг олдини олади, балки вазни ва бўй-бас-тида ҳам ижобий ўзгаришларни юзга келтиради.



Шерзод МАҲАММАДИЕВ, Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Мазкур сув ҳавзаси замонавий талаблар даражасида жиҳозланган. Улчами 25 x 12 метр бўлган сузиш ҳавзаси барча қулайликларга эга. Кийиниш, ювиниш, ҳамширалар хоналари, лаборатория ҳамда томошабинлар учун ўриндиқлар замонавий тартибда қурилган. Сув махсус филтър ёрдамида тозаланади.

Айниқса, қизларимизни спортга жалб қилишнинг аҳамияти беқийс. Қизларни спортга кенг жалб этиш, шунингдек, мамлакат генофондини юксалтириш, келажақда соғлом, баркамол авлодни вояга етказишга ҳам хизмат қилади.

спорт турларини ривожлантириш, шунингдек, қизларимизнинг кўпчилиги бўлиб спорт билан шуғулланишларига имкон берувчи мажмуаларни барпо этиш муҳимдир.

Шуни инобатга олган ҳолда, Самарқанд вилоятда шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар етакчилигида спортнинг бадий гимнастика ва синхрон сузиш каби

турларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Бу спорт турлари аёллар соғлигини мустаҳкамлаш билан бирга, уларни гўзал ва сарвқомат қилади.

Шу ўринда вилоят марказидан анча олисда жойлашган ҳудудларда ҳам бу спорт турларига шароит яратиб берилади, қизларимиз орасида ушбу спорт турлари оммалашиб бормоқда. Вилоятда ҳам

охири йиллар фойдаланишга топширилган иншоотларнинг 217 таси қишлоқ ҳудудларига тўғри келди. Хусусан, 2016 йил манзилли Давлат дастурига асосан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Каттақўрғон шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг янгидан бунёд этилган ёпиқ сув ҳавзаси фойдаланишга топширилди.

Сув ҳавзаси 36 ўринга мўлжалланган бўлиб, бир кунда 120 нафардан ортиқ ёшлар спортнинг сузиш тури билан шуғулланиши мумкин. Қубонарлиси, ҳозирдамоқ маскандан 36 нафар ўсмирлар билан бирга, 24 нафар қизлар ҳам мураббийлар кўмағида сузиш, сув полоси каби спорт турлари қаторида, синхрон сузиш билан ҳам шуғулланишни бошладилар.

Реклама (Эълон)

## ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! «Асака» банк жамоаси



Сиз азизларни яқинлашиб келаётган мамлакатимиз Конституцияси куни байрами билан чин юракдан муборакбод этади! Сизга тинчлик, омонлик ва муваффақиятлар тилаймиз! Байрам муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этамиз.

### «КОНСТИТУЦИЯ-2016»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 2 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.  
Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	573-18-78
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Сирғали филиали	371	258-67-49	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96	Афросиёб филиали	366	221-77-56
Асака филиали	374	233-13-69	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Фарҳод филиали	374	226-97-53	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83	Корақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-12-37	Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Олтиариқ филиали	373	432-10-11	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўқон филиали	373	552-61-04	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- микдори чекланмаган.

«Асака» банк сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган

Ҳуқуқ  
yuridik gazeta

Muassis:  
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:  
**Jahongir MAKSUMOV**

Tahrir hay'ati:  
Hakimboy HALIMOV  
Gulnoza RAHIMOVA  
Baxtiyor NAZAROV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Kamoliddin ASQAROV  
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,  
Faks: 233-10-53,  
233-64-85

E-mail:  
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan go'yo'malar taqdir qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

□ — tijorat materiallari.  
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi  
**231**

Buyurtma s-7625. 37 877 nusxada bosildi. Oq'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi. Navbatchi muharrir: M.DUSIYAROVA Sahifalovchi: S.BABAJANOV Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7817

9 772010 781004